

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИКВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ
“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“МИНИАТЮРА ВА КИТОБ ГРАФИКАСИ” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга тавсия этилсин”
Факультет декани
_____ А.А.Юсупов
« ____ » _____ 201 ____ йил

5151000 –Графика (Дастгоҳ ва китоб графикаси) бакалавр таълим йўналишининг
Кундузги бўлим 09-14 гуруҳи

**МУТАЛИБОВА (СОБИРОВА) БАРНО СУННАТ ҚИЗИНИНГ
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАГИ “ҚОРАСОЧ ПАРИ”ГА КИТОБ
БЕЗАКЛАРИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:
“Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси
доценти _____ М.Т.Арипова

“Ҳимояга тавсия
этилсин” “Миниатюра ва китоб
графикаси” кафедраси мудири
_____ Ж.Х.Рашидов
« ____ » _____ 20 ____ йил

ТОШКЕНТ 2018 й

Мазкур малакавий битирув иши “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедрасининг 20 ____ йил “____” _____ даги № ____ сонли ва Тасвирий санъат факультет Кенгашининг 20 ____ йил “____” _____ даги № ____ сонли мажлисида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Такризчи: _____

Ҳимоя 2018 йил _____ соат 9⁰⁰ да Ўзбекистон Бадий Академияси К.Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтида ўтказилади. Институт манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
АСОСИЙ ҚИСМ	
I БОБ. ГРАФИКА САНЪАТИ ТАРИХИ,БУГУНГИ КУНДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	
1.1.Графика санъатининг тарихи бадий хусусиятлари.....	8
1.2. Графика санъатида композициянинг моҳияти.....	10
1.3.Графика йўналишида сувбўёқ (акварел) техникасининг ролироли.....	15
II БОБ.ҚАДИМГИ КУТУБХОНАЛАР ТАРИХИ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАГИ “ҚОРАСОЧ ПАРИ” ЭРТАГИГА КИТОБ БЕЗАКЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ	
2.1. Ўрта Осиёнинг қадимги кутубхоналари.....	17
2.2.Эртақларнинг турлари ва бадий талқини.....	33
2.3.Ўзбек халқ эртаги “Қорасоч пари ” га китоббезакларининг яратилиши.....	48
ХУЛОСА	52
АТАМАЛАР	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	57
ИЛОВАЛАР	58

КИРИШ

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввало мбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

И.А.Каримов.¹

Ватанимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларимизга бўлган эътибор кучайди. Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон ўтган йиллар ичида машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг бириинчи Президенти И.А.Каримов озодликка эришган кунларимизда “Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир”, деб айтган сўзлари замирида қанчалик чуқур ҳаётий маъно борлигини яна бир бор англаймиз².

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш, ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Маънавий бойликлар, қадриятлар, давлат, миллат, шахснинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаи ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида халқ маданиятида ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгаришлар содир бўлмокда. Унда бир томондан, тарихий-маданий меросни тиклаш, иккинчи томондан, умуминсоний маданиятни ўзлаштириш жараёнлари кечмокда. Маданиятда узилиш бўлиши мумкин эмас, чунки айрим шахс фикрлашдан, ижод қилишдан тўхтаса-да, халқ яратишдан тўхтамайди. Умуминсоний маданиятнинг ўзида ҳам бугун глобал ўзгаришлар кузатилади. Демократия,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

² Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 27.

демократик кадриятлар глобал воқеликка айланмоқда. Инсон эркинлиги, ҳуқуқлари энг олий кадрият сифатида эътироф этилмоқда. Маънавий мерос халқнинг моддий бойликлари билан бир қаторда турувчи миллий кадриятлардан биридир. Ана шу миллий кадриятларимизнинг таркибий қисмларидан бири—халқнинг маънавий бойлиги – бу халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланади.

Юртимиз келажаги бўлмиш болаларнинг маънавий жиҳатдан етук, комил инсон даражасида тарбияланишларида, юқорида таъкидлаганимиздек, миллий мафкурамиз ғояларини англаган ҳолда ўсишларида халқ оғзаки ижоди намуналарининг ҳам аҳамияти катта. Шундай экан, кичкинтойлар учунхалқ оғзаки ижодини тўплаш, тадқиқ этиш ва уни яна ўзларига тақдим этиш олдинда турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистонда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол руҳда тарбиялаш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сонли “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди³.

Болалар ҳали гўдаклиги даврида она алласидан ором олади, нафақат ором олади, балки Президентимиз таъкидлаганларидек, “...унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму танида илдиз қолдиради”⁴. Халқ эртаклари эса илк ижтимоий ҳаёт ҳақида сабоқ беради, кўркмас ва жасур бўлиб ўсишида аҳамиятлидир. Эртақлар болаларни эстетик жиҳатдан тарбиялайди, дидини ўстиради, нафосатга ундайди.

³И.А.Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сонли “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Туркистон. 2014. 8 февраль.

⁴Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 114.

Битирув малакавий ишининг долзарблиги: Битирув малакавий иши ўзбек халқ эртакларидан “Қорасоч пари” га бағишланган бўлиб, кам тадқиқ этилган ва айни кунда долзарб аҳамиятга эга мавзулар сирасига киради. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, юртимизда олиб борилган ислохотлар тасвирий санъат ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Графика йўналишида бу даврга қадар тўпланган энг яхши анъаналар давом эттирилиши билан бирга миллий мавзуларга мурожаат этиш долзарб аҳамият касб этди. Ушбу мавзу юзасидан туркум иллюстрациялар тасвирланди. Ўзбек халқ эртаклари хақида ёзилган кўплаб мақола ва китоблар ўқиб чиқилди, келажак ёш авлод тарбиясида кенг қўламли ўрганиш мақсадида, ушбу композиция эскизлари яратилди.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари: Битирув малакавий иши мавзусидан келиб чиққан ҳолда графика йўналишида ўзбек халқ эртакларини ўрганиш ишининг асосий мақсади ҳисоблади.

Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар асосий вазифа сифатида қўйилди:

- Тасвирий санъатнинг графика йўналишига таъриф бериш ва маъруза санъатнинг асосий тушунча, тамойилларини ёритиш;
- Графика санъатида композициянинг моҳиятига тушунча бериш;
- Графика йўналишида сувбўёқ техникасининг роли;
- Ўрта Осиёнинг қадимги кутубхоналари билан танишиш
- Эртакларнинг турлари ва бадиий талқинига доир маълумот ва мулоҳазаларни баён этиш.

Битирув малакавий ишининг қиёсий таҳлили. Таниқли рассомлар, санъатшунос олимларнинг илмий асарлари, “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” хизмат қилади. Битирув малакавий ишининг қиёсий таҳлили шу билан белгиланадики, унда иш жараёнида графика назарияси таҳлил қилинади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди, эртақ қаҳрамонларининг тимсоллари амалий машғулотларда назарий асосларидан фойдаланишнинг услуб ва шакллари тадбиқ этилади. Графика

композициясида иллюстрация ишлашнинг мазмуни ва ишлаш йўллари ўзига ҳос жиҳатлари ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишинингилмий янгилиги. Бу мавзу бўйича кўплаб илмий ишлар амалга оширилганлиги бизга маълум. Бироқ, шу ўринда мавзу бўйича белгиланган вазифалар назарий-амалий равишда ўрганилмаган. Тадқиқотда график рассомларнинг эртақлардаги тимсолларни яратишдаги ўрни ва улар асарларининг мазмун-моҳияти ҳам таҳлил этилади. Ҳамда амалий равишда эртақ қаҳрамонлари фаолиятининг мазмун-моҳияти график рассом нигоҳида ўз аксини топади. Бу эса малакавий ишнинг ҳам илмий, ҳам амалий янгилигини тасдиқлайди.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур битирув малакавий ишида эртақ қаҳрамонлари образининг тасвирий талқини сифатида амалий аҳамият касб этади. Қолаверса, мазкур ишдан ҳосил бўладиган амалий тажрибалар ёш ижодкорлар томонидан ижодий фаолиятда амалий қўлланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг предмети ва объекти: Эртақ ва китобларнинг тасвирий санъат асарлари ҳамда композиция сюжетига асос бўлган иллюстрациялар, китоб манбалари асосида эртақка тематик композиция яратиш жараёни, ўзбек халқ эртақларидан “Қорасоч пари” орқали бадиий асар яратиш ва асар мазмуни талқинини тўлиқлигича ёритиб бериш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг илмий ва назарий аҳамияти. “Қорасоч пари” эртақига иллюстрация яратиш жараёнида бир қатор манбалар ўрганилиб, улардан тегишли назарий хулосалар чиқарилди. Бу хулосалар битирув малакавий ишининг назарий асосларини белгилаш имконини берди. Шунингдек, мазкур иш юзасидан шакллантирилган назарий хулосалар мос йўналишда бажарилиши мумкин бўлган ижодий ишлар учун назарий асос вазифасини ўташи мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши: кириш, 2 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат.

АСОСИЙ ҚИСМ

ИБОБ. ГРАФИКА САНЪАТИ ТАРИХИ, БУГУНГИ КУНДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Графика санъатининг тарихи бадиий хусусиятлари

“Графика” санъатитасвирий санъат турларидан бири. “Графика” сўзи лотинча сўз бўлиб, “ёзаман, чизаман” деган маънони билдиради.

Графика турларидан бири бу - гравюрадир. “Гравюра” французча сўз бўлиб, “кесиш” маъносини билдиради. Бунда расмлар қаттиқ материалларга чизиш ва кесиш орқали бажарилади. Бу расмлар аввало металл, ёғоч, линолеум, тош каби материалларда ишланиб, кейин ундан қоғозга кўп тиражда кўчирилади. Металлда тайёрланадиган гравюрани офорт, ёғочдагисини ксилография, ленолиумдагисини линогравюра, тош орқали тайёрланадиганини эса литография деб юритилади.

Графика асарларининг қўлланиш соҳалари ниҳоятда кенгдир. Хусусан, эстамп, китоб иллюстрациялари, плакат, почта маркалари, газета-журнал безаклари, карикатуралар, (ҳажвий расмлар) эстетика ва ўрама (упаковка)лар, театр ва кино афишалари, йўл ва товар белгилари, ташкилот ва муассасаларнинг иш бланкалари шулар жумласидандир.

Графиканинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу - унинг катта ўлчамда бўлмаслиги ва бўёқлар сонининг чегараланганлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам графика асарларида фақат чизиқ, ёки тўқ рангли тасвир иштирок этади. Баъзан график тасвирлар ҳам рангли бўлади.

Айрим графика асарлари катта ўлчамда ва кўп нусхада тайёрланади ҳамда катта тарбиявий вазифаларни бажаради. Бу плакатлардир.

Графика санъатида эстамп ҳам катта ўринни эгаллайди. “Эстамп” французча сўз бўлиб, “штамплаш” маъносини билдиради. Эстамп яратиш учун аввало тасвир махсус асбоблар билан қаттиқ, материалга (тош, ёғоч, линолеум) ўйиш орқали туширилади. Сўнгра ёйилган материал устига бўёқ, берилади ва ундан қоғозга тасвир олинади. Эстамп учун шу нарса характерлики, унда

гравюра босмадан чиққанидан сўнг рассом унга баъзи бир тузатишлар киритади ва асар тагига ўз имзосини кўяди.

Графика техникасининг кенг тарқалган турларидан яна бири бу - иллюстрациялардир. Қадим-қадимдан тасвирий санъат китоб беаги билан чамбарчас боғланган ҳолда ривож топган. Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мамлакатларида яратилган китобларнинг деярли кўпчилиги нақшлар ва рангли расмлар билан безатилган. Бу расмларда китоб мазмуни ўз аксини топар эди. Кейинчалик, китоб босиш дастгоҳлари ихтиро қилинганидан сўнг, иллюстрациялар китобларда янада катта ўрин эгаллай бошлади. Иллюстрациянинг аҳамияти шундаки, биринчидан у китобни безакли, чиройли ва ёқимли бўлишига ёрдам беради, иккинчидан адабий образлар-тимсолларни аниқ ва жонли бўлишига, ўқувчининг ёдида яхши сақланиб қолишига хизмат қилади. Рассом бирор бир адабий асарга иллюстрация ишлашга киришишдан аввал, мазкур асарни яхшилаб ўрганиб чиқиши билан бир қаторда, асардаги воқеа содир бўлаётган даврга доир материалларни ҳам топлаши, ўша давр одамларининг маданияти ва турмушини, мамлакат табиатини билиб олиши керак бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизнинг қадимий тарихини ёритувчи китоб ва рисолалар кўплаб нашр этила бошланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўндан ортиқ нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу нашриётларда, замонавий ўзбекистонлик муаллифлар билан бир қаторда аجدодларимиз қаламига мансуб, шунингдек, ҳорижий муаллифларнинг асарлари ҳам чоп этилмоқда.

Шиддатлиоламшумулларзалардавида графикачи рассомлар ўз асарларида қадимнинг ўзига хос бамайлихотирлигини, ўтмишасрлардаижодқилганшошма-шошарликилаасаряратиш билан ўзига нисбатан беҳурматҳамдаоламнидиққатва эъзозилатасвирлагансанъаткормусаввирланингқадр-қимматинисақдабқолишгаҳаминтилишмоқда. Уларнингасарларидан она

заминга ва халқига меҳр қўйган санъаткорнинг лирик овози ҳамда кўнгил ҳайқириғиянграб туради.

1.2. Графика санъатида композициянинг моҳияти

Графика усталари ихтиёри билан янги композиция “тузилиш” га дуч келиб, тасвирланган қахрамонларни ушбу тасвирлар туширилган буюмларнинг ўзи билан нқийёслар эканмиз, тасвирнинг график жиҳатдан мавхум ритмик “жонлилиги” ҳамда маҳаллий ранг дордоғларнинг оҳангдорлиги бу асарларнинг услубий якун топанлигини ва эркинлигини аниқроқ, ҳис этишимизда кўмаклашади.

Ритм услубнинг шакл нитаркиб топтирувчи элемент сифатида яққол намоён бўлади. Предметлар ўртасидаги алоқа эса атроф муҳитни “руҳий” кескинлик катуйинтириб, ушбу предметларнинг гидрокимизгатаъсирини кучайтиради.

Ўзбек графикачи расомларининг асарлари услубий бирликнинг ривожланган шахсий, индивидуаласосда шаклланишига мисол бўлиб, уларнинг асарлари га хос эмоционал бойлик ва яхлитлик шубилани соҳланади. Бунда “сохта халқчил санъат” номи билан услублаштириш деярли учрамайди, чунки чинаккам халқчил санъат сабоқлари усталарнинг тафаккурида мужассамлашган.

Ўзбекистон расомлари намоён этган юксак бадиий тафаккур маданиятининг, улар бутунлигининг ўзаллиги қарама-қарши элементларнинг жўшқин мураккаб тизим сифатида очиб бериладиган янги синтез, янги “маънавий” уйғунликни яратишга қўшган ҳисса дастгоҳ, санъати учун ҳамма ҳам миятли эканлигини исботлаб ўтиришнинг хожа тийўқ. Дастгоҳли санъатида, табиийки, бумасалаларнинг ҳаммаси бир мунча бевосита кўндаланг бўлади.

Китоб графикасининг илк ватани Шарқ ҳисобланади. XV-XVII асрларда бу соҳада Шарқ мусаввирларидан Камолиддим Бехзод, Маҳмуд Мўзаҳҳиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Султом Муҳаммад, Қосим Али, Абдулло кабилар шухрат қозонган бўлсалар, XX асрда Ўзбекистонда И.Икромов, В.Кедрин, О.Ошейко, Қ.Башаров, Т.Муҳаммедов, И.Криакидилар сермахсул ижод қилдилар.

Санъатнинг ушбу турига ҳос бўлган мазмун ва шакл бирлигини уқтай-назардан қилинган таҳлил графика асарлар раамзий маънога ҳам эғалигитўғрисидаги фикр га олиб келади.

Графиканинг шакли ва образларини юзага келтирган услубий вазифалардан маън о ва зифаларига ўтишнинг таҳлили қийин, бироқ, мумкин ва у ҳодисалар моҳиятини тўлиқроқ тушуни болиш учун зарур.

Графика асарларнинг маъно-мазмунли, бадиий образли фодалиликнинг юқори босқичига қўтарилган дидактик моҳияти га кириб боришуларнинг аҳамиятини тушуниш, кишиларнинг алоҳида ички дунёсига кириш, ўзқўзи билан қўришнинг ўзига ҳос шарқона муаттар ҳидини ҳам далаззатини ҳисқи лиш, вақт ўтган сари графикалар қандай ўзгарганлигини ва қайта англаганини кузатиш имкони ни беради.

Шакл ва мотивни қатъий лаштириш, уларнинг шартли фодалиги кишилар фикри ва ҳиссини очиб берди, халқнинг оламни идрок этишини акс эттирди, юзлаб йиллар давомида уларнинг ҳаётни тушуниши фодаси бўлиб келди. Санъатнинг ажойиб намуналари дага вдалантирилган эзгулик, муҳаббат, бахт-саодат, гузаллик образлари инсоннинг дунёни ўзал ҳисқилишини, унинг орзу-умидларини ва юксаки деалларини намоён этди.

Ўзбекистоннинг ҳозирги расомлари томонидан санъатнинг анъанавий ту ритик ланаётгани ва ижодик қайта англаётганининг шохиди бўлмоқда миз. Айни маҳалда ўрта асрлар графикасининг ҳозирги ранг тасвирга,

монументалвадекоратив-

амалийсанъатгатаъсиримуаммолариустидолибборилгаништажрибасисанъат
нингушбутури

эволюциясинингбирнечатенденциясинианиқлабвабелгилаболишимкониятини
яратади.

Бутенденциясанъатикадимгиграфикақонунларига эътибор,
зўрмаҳоратбиланижро этилганлигиилаиллюзионистикрангтасвирдананиқ,
ажралибтурганрассомларижодидатўлиқваёркин этди. Иккинчитенденция-
ҳозиряратилаётганасарлардасофграфикатилинитиклашгаинтилиш,
материалнингўзитомиданқўйилганвазифаларгақизиқиш.

Будеталларнибатафсилкўрсатишдаҳам, умумлаштирилганпластикадаҳам,
рангларнисбатинингмумтозграфикақонунларидахосалоҳидаритмикасидаҳамк
ўринади.

ЎзбекграфикасанъатидаЎртаОсиёқадимгиусталаринингҳалқижодиётин
иўзигасингдирганмаҳаллийанъаналарисақланибқолган.

Букомпозиционтузилишусулларидан, нақшлашдан,
шунингдекажибрангдорлиқданвадекоративлиқданҳамяққолқўринибтурибди.

Буларнингбариеъшрассомларнингмуаллифсифатидаузлигинианглаширивожла
нишига, уларнингоригинал ечимларгаинтилишигақўмаклашди.

Анъанавийасарларнибирқолипдаидрок этмаслик,
ҳозиргиобразлиҳисқилишбиланижодийқабулқилишмазмуннингянгидаврваун
ингталабларигаҳамоҳангбўлганассоциативҳамдарамзийжихатларига
эътиборникучайтиришгаёрдамберади.

Шарқграфикасинингмиллийуслубинингтикланишиданиборатўзигаҳосфазила
тиниалоҳидатаъкидлашзарур.

ҲозиргиШарқграфикауслубимеросқилиболинибгинақолмайяратилди,
вужудгакелдиваривожландиҳам. Бадийвоситалар элементлари,
вақттаркибиўзгарди, бироқ, ёпиқлик,
лирикликвапоетикликқатламлариушбусанъатжанринингузигаҳосжихатларин
ибелгиловчисифатидадоиммавжудбўлган.

Кўпасарларда ҳодисалар ривожий ўқ, озгина деталлар бўлиб,
ўтган ҳодисага ишора қилгандек бўлади.

Буларнинг барини расомларнинг ларқўланкаси салмоғи,
композицион вазминлик орқали ифодалашади.

Образлар мусиқий яқунланганлиги, замоннинг воқеага бойлиги,
маҳобатли маромиту файли таъсир кучига эга бўлади. Графикалар композиция
ечими га эришишда инсон ва ҳайвоннинг афистасви рлашдан тортиб,
бутунта свирни нозик ўра болган нақшгача безаш билан бойитилган.

Хатто композиция бўшлиқлар ҳам сипова пухта безати лган.

Лирик ва поетик ҳолатнинг бир-

бири билан боқлиқлиги композицияда ҳаракат кучи ҳамдаритм хусусиятини белги
лаб беради. Гафика асалари да беза кларнафис образларга айланади.

Тузилиши га кўранақшин кор бўлган бу образлараник,

воқеалардан келтириб чиқарилади. Вақт (замон)

гўё узининг турли ўлчамлари да искан жага олинган декту юлади, таъсир,
кескинлик,

яъни воқеа ий ўтмиш билан ҳозирги замон шахсий кечинмаларининг яқинлашуви ш
ундан юзага келади. Лирик ва поетик замон қатламлари аниқ, ифодасини топан.

Ҳозирги ўзбек графикачи расомлари ижодида кўзгаташланадиган ритмла
рнинг қатъий жўшқинлиги образларнинг
эмоционал ҳамдареалистик кескинлиги ўрта асрларда Марказий Осиё графикаси
да бўлмаган, дебишонч билан айтиш мумкин.

Графикада мақон ёруғлик ва ҳаво билан тўлиқ декту юладиган,

ритм қонунияти амал қилиб турган теранлик касб

этади. Кўплаб графикалар даги равон, силлиқчи зиқ, алоҳида шакл

эркинлигини юзага келтиради, ранг ли доғлар қўланкасини кенгайтиради,

уларни мақонда ифодалади. Баъзан расом мақонни атайлаб қисқартиради,

уни юқори га силжитади, натижада композиция ритми яна да кескинлашади,

образларга алоҳида жиддийлик ҳамда ифодалилик бахш этилади.

Турлиасарларда образнинг индивидуаллик даражаси жуда хилма-хил. Бироқ, у энг аввало, Шарқ графикасининг ўзига хослиги, унинг предмет билан ҳамда бадиий замоннинг кўп қатламлилиги билан алоқаси орқали чекланганлигига эътиборни қаратиш муҳим.

Ҳозирги ўзбек графика мактабисанъат туриси фатида қарор топди, унинг замонга ўз муносабати бор. Бунинг билан тарихий тажриба ҳам, ҳозирги амалиёт ва ушбу санъатта бадиий таркиб топтирувчи ҳамда унинг дунёга нисбатан қарашини маълум даражада шакллантирувчи қодалар ҳам белгилаб берди. Замоннинг таркиблиш графика усталарининг гоёвий-бадиий ҳис қилишларига, уларнинг ўз халқининг генетик ҳис этишига, коллектив тажрибага шахсий идрокни ва ўз халқига миллатига, динига ва маданиятига муносабатни олиб қирувчи образлар кечинмаларига боғлиқ. Графика таркибий қатламларнинг ўзаро таъсири кўзгаташланади. Замон ҳаётий ва ҳаёлий нарсалар бирга мавжуд бўладиган эрта қона фантазия, фольклорнинг идеалламидагина қўшилиб кетиши мумкин. Айни шу ҳолат замондаги давомлиликни юзага келтиради, образлар эпиклигини белгилаб беради, ички маъносидар ўй берадиган кенг миқёсдаги бирлашиш, қиёслашларга имконият беради.

Ўрта асрлар Шарқ графика асарлари қадимий тарихий образларнинг муаммолари ниқишлар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг муҳаббати, кураши, эҳтирослари, орзу-умидларини ёрқини фодалаган. Рассомнинг урф-одатлар ва дин билан белгиланган фаолияти ижтимоий муносабатларнинг ягона ёп иқтисимига қиритилган. Тасвирланаётган воқеалари шондорлиги фодаланишига қарамай, улар ҳозирги графика усталари томонидан романтик орзулар ва ўз халқларига ишанч билан қилинади.

Уларнинг асарлари ўрта асрлар Шарқ қоламнинг реал воқеялики фодасигина эмас, уқупроқ, ақл бовар қилмайдиган, бироқ ҳар бир мусулмонга дил-дилидан миллий, яқин ва қадрдон бўлган,

Ўтмишнинг, ҳозирнинг ва келажакнинг боқийлигини акс эттирадиган оламда бириктириб кетиши тасвирланган.

1.3. Графика йўналишида сувбўёқ (акварел) техникасининг роли

Мамлакатимизда таълим жараёнида олиб борилаётган ислохотлар жамият тараққиёти ва фаровонлигини таъминловчи омил бўлиб, ундаги ўзгаришларнинг мақсади ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдир. Юртимиз тараққиёти бугунги ёшларнинг тарбияси, замонавий билим ва касб-хунарни эгаллашга лаёқати билан ўлчанади. Ижодкор ёшларни тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқув-тарбиявий жараёнини ижодий лойиҳалаш, ташкил этишга боғлиқ. Таълимни ижодий ташкил этмасдан туриб, ижодкор ёшларни тарбиялаш мумкин эмас, шунинг учун мактаб ўқувчиларига ранглар тўғрисида кенгроқ маълумот бериш шу куннинг талабидир.

Ранглар тарихига назар солганда, акварель бўёғи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор. Акварель бўёғи қадимги Миср мусаввирларига таниш

бўлиб, бизгача улар папирусда ишланган нақшлар орқали етиб келган. Ушбу бўёқларни боғловчи моддасининг келиб чиқиши сувда эрийдиган ўсимлик елимлари бўлган. Ушбу турдаги акварель таркибида оқ бўёқ бўлганлиги учун у замонавий гуашга яқин эди.

Акварелли рангтасвирнинг ривожланиши XII асрда китоб рангтасвири безаги билан боғлиқ. Буни форс миниатуралари мисолида кўришимиз мумкин. Бу усул кейинчалик Шарқ давлатларига тарқалиб кетган. XV асрларга келиб тоза елимли сув бўёқдан фойдаланилган (қўшимча моддасиз). Ушбу бўёқлар ўзининг тозалиги, шаффофлиги билан ажралиб турган. Аср ўрталарига бориб мусаввирлар нафақат китоб муқоваси безагида, ҳатто расм ва бадий безакларда ҳам елимли, сувда эрийдиган бўёқлардан ҳам фойдаланилган.

Ғарбда сувбўёқ (акварель) ларининг техник имкониятлари биринчи бўлиб Альберт Дюрер (1471-1528) томонидан кенг очиб берилди. Буни мусаввирнинг манзарали суратларида кўришимиз мумкин. XVII аср бошларида сувбўёқ (акварель) мустақил рангтасвир турига айланиб, XVIII аср ва айнан XIX асрда инглиз рангтасвирчилари шарофати билан ривож топиб, юксак даражага кўтарилди.

Сувбўёқ (акварель) икки хил усулга бўлинади:

1. Инглиз усули (техникаси) – намланган қоғозга рангтасвир чизик қисмларини умумий қуюқ тус бериб бўялади ва ёруғликлар мўйқалам ёрдамида ювилади.
2. Италянча усул (техникаси) – қуруқ қоғозга бўёқнинг устма-уст қатламини ишлаш орқали эришилади.

Акварель бўёқлари елимли, шаффоф бўёқлар гуруҳига киради. Акварель сўзи, лотинча “аква” – “сув” маъносини билдириб, унинг эритувчиси ҳисобланади.

Акварель – ягона бўёқ тури, ўзига хос тоза, тиниқ ва ёрқин ранглилиги билан ажралиб туради. Бунга нафақат тоза материаллардан фойдаланиш билан,

пигментларни махсус ишқалаш, туюш орқали жуда ҳам майин кукунга айланишига эришилган.

Камол топиб бораётган ёшларни таълим-тарбия, илм бериш орқали тарбиялаш, улар онгига инсонийликни, миллатпарвар ва ватанпарварликни сингдиради. Таълим ва тарбия жараёнининг илмий асосланган бўлиши ёшларда ижтимоий характерни шакллантириб, яратувчанликни дастлабки куртакчаларини шакллантиради.

Келажак авлод, ёшлар тарбиясида рангларнинг роли ниҳоятда катта бўлиб, уларни эстетик дунёқарашини, табиатга меҳрини, рангларни ажрата олиш қобилиятларини ўстиришга хизмат қилади.

II БОБ.ҚАДИМГИ КУТУБХОНАЛАР ТАРИХИ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАГИ “ҚОРАСОЧ ПАРИ” ЭРТАГИГА КИТОБ БЕЗАКЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Ўрта Осиёнинг қадимги кутубхоналари

*Кутубхона – бу гоёлар маскани,
унга ҳаммани таклиф қилиш мумкин.*

А. Герцен.

Кутубхоналар қадим-қадимдан инсонлар учун маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиб, инсон зоти доим китобларга интилиб яшаб келган. Ҳар доим кутубхоналар жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган. Фақат

кутубхоналар туфайлигина қадимги қўлёзмалар, босма китоблар, тарихий шахслар ҳақидаги манбалар бизгача етиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Ёзувнинг пайдо бўлиши ва ҳужжатли манбалар, қўлёзма ва кейинчалик босма китобларнинг кўпайиши кутубхоналарнинг юзага келишига сабаб бўлди. Кутубхоналар милоддан аввалги 2 минг йилликда вужудга келиб, ёзувлар сопол битикларда ёзилган эди. Милоддан аввалги VII аср ўрталарида Шарқдаги кўп саройларда қадимги Миср ва Рим ибодат хоналари қошида кутубхоналар бўлган. Қадимги даврдаги кутубхоналардан энг машҳури Александрия кутубхонасидир.

Ғарбий Европада илк ўрта асрларда монастыр ва ибодатхоналар қошида кутубхоналар ташкил этилган.

Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги 1 минг йилликнинг сўнги асрларида дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган. Булар илк кутубхоналар бўлиб, кутуб– арабча “китоблар”, хона–форсча “уй”, яъни китоб ва ҳужжатлар сақланадиган жой демакдир.

Кутубхона–босма ва айрим қўлёзма асрлардан оммавий фойдаланишни таъминловчи маданий– маърифий ва илмий муассаса ҳисобланиб, унда мунтазам равишда босма асарларни тўплаш, сақлаш, тарғиб қилиш ва китобхонларга етказиш, шунингдек, ахборот библиографик ишлар олиб борилади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш кутубхонанинг асосий фаолияти бўлиб, қолган барча фаолиятлар (китоб фондини бутлаш, уни ташкил этиш, тўлдириш ва ҳ.к) асосий фаолият учун хизмат қилади.

Китобхонларга хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади уларни ахборот ва адабиётга бўлган талабларини имкони борича тўлиқ қондиришдан иборат.

Марказий Осиё ҳудудида йирик сулолавий кутубхоналар, масжид-мадрасалар қошида кутубхоналар бўлганлиги ҳақида аниқ тарихий манбалар мавжуд.

IX – X асрларда араб халифалиги тарқоқлашиб, XI асрнинг охирига келиб Ўрта Осиё ҳудудида Сомонийлар давлати юзага келган. Сомонийлар даврида

Мовароуннахр, Самарқанд, Бухорода фан ва маданият ривожлана борган. Бу даврда ушбу давлатда жуда кўп машхур қомусий олимлар яшаб ижод этган.

Бухоронинг маҳобатли маркази, кенг майдоннинг кунчиқар тарафида мухташам арк туради. Арк дарвозасидан кирганда тўғридаги йўл бир кўхна бинога элтади. Унинг қалин деворлари бой хазинани кўриқлайди. Бу бебаҳо бойликлар жам бўлган хазина Бухоро кутубхонаси, бу кутубхона X асрдаги машхур кутубхоналардан биридир.

Ўша даврда Бухоро кутубхонаси жуда бой фондга эга бўлиб, у Ўрта Осиёнинг сиёсий ва маданият маркази ҳисобланарди. Бухородаги ушбу кутубхона амир саройида жойлашган бўлиб, китоблар фан соҳалари бўйича сандиқларда сақланган. Унга фақат амир Нух ибн Мансурнинг рухсати билангина китобхон кирарди. Кутубхона ичида қатор терилган сандиқларда китоблар тахлаб қўйилган, ҳар бир сандиқда бор китобларнинг рўйхати мавжуд бўлиб, у сандиқ ичида турарди.

Тиббиётга оид китоблар ичида қадимги юнон табибларидан Гиппократ асарлари, Малазияда I асрда яшаган табиб Дискурдус (Педаний Диоскорид), II асрда яшаган пергамлик табиб Жолинус (Клавдий Гален) асарлари, II асрда яшаган римлик табиблардан Архиген, Троян Руфус, исқандариялик Бавлус (VII аср) асарлари сақланиб келинган. Булардан ташқари яна Абу Бакр Муҳаммад бин Закарийё ар-Розий (865-925), Аббосийлар сулоласининг сарой табиби Ибн Мусовайх, бағдодлик Исо ибн Али (IX аср), Исо бин Яҳё (IX аср), ҳинд табиби Чарак Ҳиндий (I аср), Яхудий табиблардан Басрали Ибн Мосаржовайх (IX аср) ва бошқаларнинг асарлари бўлган.

Яна бошқа сандиқда фалсафий китоблар, улар ичида Арасту асарларининг асл нусхалари, уларнинг араб тилидаги таржималари, юнон файласуфларининг Ҳусайн бин Исҳоқ томонидан араб тилига қилинган таржималари; араб тилида ёзган файласуфлар Абу Юсуф Ёқуб бин Исҳоқ ал-Киндий, Абу Наср Форобий ва бошқа мутафаккирларнинг асарлари сақланган.

Сомонийлар пойтахти бўлган Бухорода жуда кўп кутубхоналар ва китоб бозорлари бўлган.

Йирик сулолавий кутубхоналар Хоразмда ҳам мавжуд бўлган. Урганчда хоразмшоҳлар, маъмунийлар ва ануштагенийлар замонида кутубхоналар барпо этилган. Хоразм шоҳи Маъмун ибн Маъмун кутубхонасида китоб йиғиш араблар келишидан анча олдин бошланган. Бу кутубхонани бошқаришни шоҳ Маъмун машхур адабиётшунос ва тарихчи ас – Солибийга топширади.

Хоразм шоҳи Маъмун II саройда жуда кўп олимларни бирлаштирган “Маъмун академия”сини ташкил қилади. 1010 йилларда барча хоразмлик олимлар қатори бу ерда Беруний ҳам ишлай бошлайди ва шу ерда Абу Али ибн Сино билан учрашади. Улар шундан сўнг анчагача биргаликда ижод қиладилар. Хоразмда жуда кўп илмли кишилар яшаган, XI–XII асрларда бу юртда олимлар ишлаши учун шароит яхши эди. Фахриддин ар-Риёзи ўзининг энциклопедик мазмундаги “Илмлар тўплами” (Собрание наук) асарини ёзган.

Хоразм кутубхоналаридан яна бири бу Хивадаги Шаҳобуддин кутубхонасидир. “Бундай кутубхона бундан олдин ҳам, кейин ҳам бўлмаган, чунки ундаги қўлёзма асарлар фонди Марвдаги кутубхонадан қолишмас эди”, деб айтган эди Насафий.

“Ғазнавийлар даврида Хоразм, Ҳамадон, Исфохон сингари йирик шаҳарларнинг кутубхоналари Хуросондаги барча истеъдодли ва ўқимишли кишиларни ўзига тортувчи марказ бўлиб қолган эди”, деб ёзади йирик олим А.А.Семёнов.

Мўғиллар истилоси арафасида Марвда ўнта йирик кутубхона бўлган, биргина Азизия мадрасаси кутубхонасида 12 минг жилдга яқин китоблар сақланган. XI аср бошларида Маҳмуд Ғазнавий Ғазнада мадраса қурдиради, мадрасанинг барча хоналарида китоб сақлаш учун махсус жойлар мавжуд бўлиб, уларда қўлёзма асарлар чиройли қилиб териб қўйилган.

Бой кутубхоналарга эга бўлган давлатларда қадимдан фан ва маданият яхши ривожланган, буюк аллома ва машхур кишилар етишиб чиққан.

Искандар Зулқарнайнинг жаҳонгир бўлиши учун устози Арастунинг хизмати канча бўлса, Румда туриб бутун дунё сирларини билган Арастунинг донишманд даражасига етишишида унга босиб олган юртлардан китобларни юбориб турган шогирди Искандарнинг хизмати ҳам каттадир. Бухорода Ибн Сино давригача ҳам дунёга донғи кетган машҳур кутубхона бўлган, кейинчалик бу кутубхона ёнғинга учраганини тарихдан яхши биламиз. Буюк соҳибқироннинг ҳар икки хазинасидан бири- кутубхонаси ҳисобланган.

Ҳазрат Алишер Навоий китоб санъати тарихида ўзига хос даврни бошлаб берди. Унинг бевосита кўмаги билан Беҳзод, Султон Али Машҳадий, шоҳ Музаффар каби ўнлаб китоб санъатида моҳир хаттотлар етишиб чиқди. Буюк бобокалонларимиз китоб яратиш билан бирга уларни авайлаб - асраш борасида ҳам ўрнатганлар.

“Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний кадриятларга хурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир”, Ўзбекистон Президентининг “Маънавият – маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармонида айтиб ўтилган. Дарҳақиқат, бу вазифаларни бажариш учун кутубхоналарсиз ҳеч иш қилиб бўлмайди.

Ўрта Осиё халқининг фан ва маданияти бир ярим аср давомида мўғил истилочилари томонидан вайрон қилинган. Кейинчалик тикланиш даврида маҳаллий ҳукмдорлар орасида сулолавий кутубхоналар ташкил топган, китоб хазинасини тўплаш анъанага айланган. Айниқса, кутубхоначилик иши ривожланишига Амир Темур ва темурийлар ҳокимияти йилларида катта эътибор берилган. Буюк соҳибқирон даврида Самарқанд шаҳридан китоб олиб чиқиш ман этилган, китоблар тенгсиз бойлик сифатида қўриқланган.

Амир Темур (1336-1405) аввал ватани Шаҳрисабзда, сўнг мамлакат пойтахти Самарқандда сарой кутубхонаси ташкил қилди. Темурнинг сарой

кутубхонаси учун бутун Мовароуннахр бўйлаб китобфурушлардан ва шахсий кутубхона эгаларидан машхур муаллифларнинг бежирим безатилган китоб нусхалари сотиб олинди. Кутубхонада қўлёзма кўчириш, китобларни безатиш ишларини миллий китоб санъатининг моҳир усталари олиб борганлар. Самарқандда араб, форс, турк, санскрит, юнон, лотин, арман тилидаги кўплаб бебаҳо қўлёзмалар Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Арманистон каби давлатлардан, Стамбул, Брусс, Исфахон, Ҳамадон, Шероз, Бағдод, Басра, Дамашқ каби қадимий маданият ўчоғи бўлган шаҳарлардан олиб келинган эди. Олимларнинг тахминича, Темур Самарқандга VIII асрнинг биринчи чорагида айнан Басрадан Куфий хати билан кўчирилган Қуръони Каримнинг нусхасини олиб келган. Амир Темур кутубхонасидан фақат сарой вакилларигина эмас, балки муайян гуруҳдаги китобхонлар ҳам фойдаланганлар. Кутубхонадаги китоблар фан соҳалари бўйича рўйхатга олиниб, сандиқларда сақланган. Бу тартиб китобларни ҳисобга олиш учун эмас, балки фойдаланиш осон бўлиши учун ҳам ўрнатилган. Темурдан сўнг унинг ноёб кутубхонаси набираси Улуғбекка (1394 - 1449) мерос бўлиб қолган.

Темур ўз ҳаётининг кўп қисмини ҳарбий юришларда ўтказди, бундай юришларнинг баъзиларида Улуғбек ҳам қатнашади. Сафар вақтида ҳар нарсани билиб олишга қизиқувчи ёш Улуғбек ўзига хос кўчма “кутубхона”дан фойдаланган. Бу жонли кутубхона бўлиб, унда тарихчилар, шоирлар, олимлар йиғилишиб, суҳбат қилишар эди. Улуғбекнинг отаси Шоҳрух Ҳирот ҳукмдори эди. Улуғбек отаси ҳузурига келиб бу ерда ҳақиқий кутубхона билан танишади ва китобга бўлган қизиқиши янада ошади. Улуғбек ўн етти ёшида (1411 йил) бобосининг дабдабали пойтахтига ворис ҳоким бўлди. Улуғбек даврида Ўрта Осиё кутубхоначилиқ иши янада ривожланди. Айниқса, Улуғбек топшириғи билан 1428-1429 йилларда Самарқанддаги обсерватория қошида ташкил этилган кутубхона энг бой китоб фондига эга бўлган.

Тахмин қилишларича, Улуғбек йиққан китоблар хазинаси Пергам қўлёзмаларидан бошланган, Темур Пергам шахрини босиб олганда қўлёзмаларни ҳам карвон билан Самарқандга олиб келган. Кутубхона Улуғбек даврида бетиним бойиб борган. У жуда билимли бўлиб, ўз кутубхонасида соатлаб ўтириб мутолаа қилар эди. Кутубхонада Платон, Гиппократ, Птоломей, Аристотель асарлари тўпланган ва яхши сақланган эди. Булардан ташқари, бу ерда ватандошларимиз буюк олим Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг алгебрага доир машҳур рисоласи, Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Астрономия калити” номли асарлари, Ал – Баттонийнинг астрономик жадваллари; Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” рисоласи бўлган. Улуғбек юлдузлар тўғрисидаги фан тарихини шу қадар ўрганиб чиқдики, натижада ўзи ҳам шу соҳада илмий ишлар қилиб, китоблар ёза бошлади. Кўп йиллик самарали меҳнати натижасида “Зижи жадиди Кўрагоний”, “Улуғбек зижи” дунёга келди. 1018 та юлдузнинг ҳолатини кўрсатиб берувчи мазкур асар узоқ йиллар давомида энг аниқ ва мукамал асар бўлиб қолди. Китобда жадваллардан ташқари, катта муқаддима ҳам бўлиб, унда астрономик кузатишлар методикаси берилган. Шунинг учун Улуғбек фан тарихига буюк астроном сифатида кирган.

У тахтга ўтирган дастлабки йиллардаёқ ўз атрофига олимларни тўплади. Шулардан бири мунажжим донишманд Қозизода Румий бўлиб, Улуғбек уни устозим деб билган. Улуғбек серзавқ султон бўлиб, мусиқа ва тарихга ҳам қизиқарди. У кутубхонасининг мудирини вазифасига шогирди Али Қушчини тайинлаган. 1449 йилда ҳалок бўлган Улуғбек китоблар хазинасининг бундан кейинги қисмати ҳам Али Қушчи билан боғлиқ бўлган.

Улуғбек ўқиб чиққан китоблардан ўз асарлари учун цитата олган, шунинг учун турли олимларнинг асарлари унинг кутубхонасининг бойлиги ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Кутубхонада филологик ишлар ҳам олиб борилар эди, шу ерда Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” достонининг мукамал матни тузилган бўлиб, мазкур қўлланмада йигирмата

катта ажиб миниатюра мавжуд. Кутубхона устахонасида яна бир дурдона масаллар мажмуаси “Камила ва Димна” ҳам кўчирилган. Бу кутубхона фондида нодир қўлёзма асарлар жуда кўп сақланган. Кутубхона тарихини ўрганган олимларнинг фикри ҳам, ривоятлар ҳам турлича, лекин уларнинг ҳаммаси бир фикрда, яъни қўлёзмалар сақланиб қолган, уни қидириш керак, деган фикрда яқдилдирлар.

Темурийлардан Шоҳрух Мирзо, Бойсунқур Мирзо ва Ҳусайн Бойқаронинг кутубхонаси ҳам адабий-бадий, илмий китобларнинг хилма-хиллиги ва сони жиҳатдан Темурнинг Самарқанддаги кутубхонасидан қолишмас эди.

Шоҳрух Мирзонинг ўғли Мирзо Бойсунқур 1397 йил 16 октябрда дунёга келган. У зеҳнли, ақлли, доно бола бўлган, ўқиш ва ёзишни жуда барвақт ўрганган. Бойсунқур 17 ёшга тўлганда отаси унга Тус, Машҳад, Абивард, Шумулқон, Ҳабушон, Нисо, Мозандарон, Астробод, Журжон вилоятларининг ҳокимлигини топширади. 1416 йили у отасининг вазири мансабига кўтарилади. Ёш бўлса ҳам, у давлат ишларини моҳирлик билан олиб боради. Отаси сафарга кетганида, унинг ўрнига ноиблик ҳам қилади. Биродари Улуғбек сингари Бойсунқур ҳам илми ва фазилатлари билан танилади. Бойсунқур Мирзо Ҳиротда улкан кутубхона таъсис этади. Унда қирқ нафар етук ҳунарманд: хушнавис хаттот Мавлоно Жаъфар Табризий раислигида китобот билан машғул бўлиб, китоботга лозим бўлган варроқлик, саҳҳофлик, тасвир, тазҳиб, тажлид, вассолик, зарафшонлик ва бошқа нафосат, бадий санъат ижоди билан банд бўлганлар. Мавлоно Жаъфар Табризий Бойсунқур Мирзо кутубхонасининг раиси, настаълиқ хатининг ижрочиси, Мир Алининг шогирди эди.

Мирзо Бойсунқур ташкил этган кутубхона ва нигорхонасида қуйидаги наққош ва хаттот, мусаввирлар ишлар эди: Мавлоно Шамс Бойсунғурий хаттотликда Бойсунқур Мирзонинг устози, олти нав ёзувини мукаммал билган етук хаттот Халил Ҳаравий Бойсунқур Мирзо тарбиясини олганлардан, у чизган Амир Темур сурати бизгача етиб келган.

Қавомиддин Шерозий–Шоҳрух Мирзо замонининг машҳур муҳандиси, меъмори ва тарроҳи эди.

Ўша давр тарихнависларининг эътирофига кўра, шу 40 нафар ҳунарманд ўз ҳамдаст ҳам пешалари билан ҳар бири замон ажибаси, даврон нодираси бўлган. Бойсунқур Мирзо кутубхонасини йирик нафис санъат академияси деса ҳам бўлади. Чунки бу ерда фақат китоб кўчириш билан шуғулланибгина қолмай, нодир қўлёзмаларнинг илмий танқидий матнини тиклаб, тасвири альбомлар ҳам тузганлар.

Бойсунқур бошлиқ ҳунар эгалари Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сини турли қўлёзма нусхаларини тўплаб биринчи бор тўлиқ ва мукамал нусхада кўчирганлар. Мазкур қўлёзма Жаъфар Табрзий томонидан 1425–1430 йиллари кўчирилиб, мусаввирлар уни йигирмата сураат билан безаб тасвирайдилар.

Бойсунқур Мирзо “Шоҳнома”нинг бу нусхасига муқаддима ёзади ва бу адабиёт тарихида “Бойсунқур муқаддимаси” номи билан машҳурдир. Бойсунқур Мирзо олти хил ёзувни мукамал билган хаттот ҳам бўлган. Машҳаддаги онаси шарафига қурилган Гавҳаршодбегим масчитидаги ёзувларни унинг ўзи ёзган. Бойсунқур Мирзо кутубхонасида яратилган ўша давр тасвирий санъати дурдоналари бўлмиш тасвири китоблар сўнги пайтларгача топилмасдан келар эди. Ғарбий Европа ва Шарқ санъатшунос олимларининг тадқиқотлари натижасида мазкур қўлёзмалардан баъзиларининг сақланаётган жойлари аниқланди. Улар гарчи турли мамлакатларга тарқалиб кетган бўлса ҳам, кутубхонадаги баъзи китоблар бизгача етиб келган. Ҳозирги кунда Бойсунқур кутубхонасида яратилган китобларнинг аксари Истамбул ва Техрон музейларида сақланмоқда.

Марв ва Бухоро турли тарихий даврларда ҳам Ўрта Осиёнинг сиёсий ва маданият маркази ҳисобланган. Биз аجدодларимиздан қолган олтин мерос бўлмиш қўлёзма ва бошқа бебаҳо манбалардан шуни биламизки, Бухорода қадимдан жаҳонга машҳур илм масканлари ва кутубхоналар мавжуд бўлган.

XVI – XVIII асрларда Бухорода иккита йирик сарой кутубхоналари мавжуд бўлган. Бу кутубхоналардан бири Шайбонийлар саройи кутубхонасидир.

XV асрнинг охирлари XVI асрларда Сирдарё худудидан то Марказий Афғонистон ерларигача бўлган катта худудда шайбонийлар сулоласи ҳукмронликни қўлга олган. Бу даврга келиб Мовароуннаҳрда адабиёт, фан ва санъат жуда яхши ривожлана борган. Шайбонийлар саройи кутубхонаси ҳақида Ҳасан Нисорийнинг “Музаққир ал-ахбоб” номли тазкирасидан Эрондан келган усталарнинг кутубхонадаги фаолияти тўғрисида озгина бўлса ҳам маълумотга эга бўлиш мумкин. Кутубхонага турли даврларда 3 нафар китобдор раҳбарлик қилган: Султон Мироқ ал-Мунший, Мавлоно Абдуллох ал-Мунший ва Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний ан-Насафий бўлиб, уларнинг қўл остида 3 сураткаш ва 9 уста ишлаган. Кутубхонада ҳаттотлик иши ҳам олиб борилар ва сураткашлар томонидан китобларга зарҳал билан безак берилиб, турли миниатюралар таъсвирланарди. Шайбонийхон ўзи ҳам жуда илмли киши бўлиб, илм аҳллари учун саройи олдида йирик ва машҳур кутубхона ташкил қилган. Кутубхонада китоблар сандиқларда чиройли қилиб терилган. Бу ерда ноёб китоблар билан бир қаторда хоннинг ўзи ёзган шеър ва асарлари, замондош аллома ва шоирларнинг қўлёзма асарлари ҳам сақланиб келинган. Хоразмлик Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари ўша вақтда ўзбек тилида ёзилган машҳур йирик тарихий асарлардан бири ҳисобланади.

Ўрта Осиёнинг барча худудида шайбонийлар давригача ҳам кутубхоналар мавжуд бўлиб, маданиятнинг ўсишидан кутубхоналар фаолияти янада қулоч ёйиб борган. Сарой кутубхоналари билан бир қаторда мадраса, масжид ва шахсий кутубхоналар қарор топа бошлади.

Шайбонийхоннинг замондоши амакисининг ўғли Убайдуллахон Убайди кутубхонаси ҳам жуда катта кутубхоналардан бири бўлган. Ушбу кутубхонанинг йирик қўлёзма асарларидан бири Убайдининг «Тўлиқ асарлар тўплами» бўлиб, у жуда чиройли безалган ва мустаҳкам муқоваланганлиги

учун бизнинг давримизгача сақланиб, айна вақтда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти фондида сақланиб келмоқда.

Бу даврга келиб баъзи сарой кутубхоналарида турли тилдаги асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари олиб борилган. Айниқса, Бухородаги Абдулазизхон кутубхонасида китоблар яратиш ишини машҳур хаттотлар Мир Али Харави ва Ахмад ал-Хусайнлар олиб борган. Мир Хусайн ал-Хусайн жуда кўп йиллар Абдуллахон II кутубхонасида раҳбар сифатида иш олиб борган. Ўша даврда барча йирик кутубхоналарда тажрибали рассомлар ва муқовасозлар ишлаганликлари маълум. Улар қўлёзма асарларни миниатюралар билан безаганлар.

Шайбонийхонлардан кейинги йилларда Бухоро хонлигида исломий маънавият янада кенг тарқалди. Табиий ва аниқ фанлар энди олдингидек аҳамиятга эга бўлмай қолди. Бу даврда Мирзо Улуғбек ва Самарқанд обсерваториясининг ходими Али Қушчи каби йирик олимлар етишиб чиқмади. Шунга қарамасдан дин арбоблари ичида ўзининг билимлилиги билан шуҳрат қозонган кишилар бўлган ва улардан бири Муҳаммад Шарифдир. Манбаларда таниқли шоир ва файласуф Юсуф Қорабеги ва йирик ҳуқуқшунос олим, “Сир”лар ҳақида трактат асарининг муаллифи Насриддин Бухори ҳақида маълумотлар сақланиб қолган.

Аштархонийлар даврида маданият янада ривожланди, адабий ёдгорликлар юзага келди, халқ орасидан етишиб чиққан шоирлар Сайид Насафи, Турди ва бошқа кўплаб шоирлар ижоди гуллади. 1692 йил 200 шоир ижодидан намуналарни ўз ичига олган анталогия тузилди. Аштархонийлар кутубхонасида турли даврларда қуйидаги 7 киши иш олиб борган: Мирза Мўмин Мунший, Муҳаммад-Амин китобдор, Насрид-Дин китобдор, Мир сайид Жалол китобдор, Қози Лутфиллох, Хожи Абд-ар-Рахмон китобдор, Хожи Мир Муҳаммад Ёқуб китобдор.

XVII аср охирларида қўлёзма китобларни безаш ишлари анча ривожланди, шунингдек, шахсий кутубхоналар ва китоб йиғиш кучайди. Шунини таъкидлаш лозимки, Самарқанд ва Бухорода бу даврда ёзув қоғози юқори сифатли

бўлиб, бу айниқса Абдулазизхон (1645–1680) ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

Маълумки, Бухорода қадимги қўлёзма китобларни йиғишда Абдулазиз ва укаси Субхонқулихон(1680–1702)ларнинг хизмати катта бўлиб, Субхонқулихон ёзувчи ва табобатга қизиқувчи шахс эди. Унинг ҳукмронлиги даврида Бухорода машҳур “Бухоро шифохонаси” (дору шифо) қурилган ҳамда шу ерда катта кутубхона ҳам ташкил этилган эди. Кутубхона фондида илмий ва тиббиётга оид адабиётлар сақланар эди. Яна шу даврда шахсий қўлёзма китоблардан ташкил топган, барча фойдаланиши мумкин бўлган жамоа кутубхонаси юзага келган. Кутубхона қошида қўлёзма китобларни безовчи рассомлар, хаттотлар ва эскирган китобларни таъмирловчи мутахассислар учун устахона бўлган. Миниатюрачилар мактаби мавжуд бўлиб, унда ўша даврнинг машҳур усталари Маҳмуд Мурзиб, Абдулла оға Ризо ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.Аммо кейинчалик ўзаро урушлар, сарой тўнтаришлари натижасида кутубхонага катта талафот етказилган. Натижада масчитлар вайрон бўлиб, қўлёзма китоблар яроқсиз ҳолга тушиб қолган.

XVIII асрга келиб Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида маданий ҳаётда деярли ўзгариш бўлмади, лекин шу даврга келиб қўлёзма китоблар анча кўпайди. Бу даврда ушбу давлатларда сарой кутубхоналари ва бошқа кутубхоналарнинг қўлёзма фондлари сақланиб қолган эди. Аммо баъзи сарой кутубхоналарида қўлёзма китоблар яхши сақланмаган, баъзилари эскириб қолган, баъзи китоблар китоб бозорларида арзон нархда сотиб юборилган.

Бухорода амир кутубхонаси жуда машҳур кутубхона бўлиб, Жўрабек ва Остонқул Қушбегининг ёзишича, у ерда қўлёзма асарлар жуда кўп бўлиб, улар хитой, уйғур, араб ва бошқа тилларда ёзилган. Кутубхона алоҳида хазина сифатида қўриқланган, лекин китобларни сақлаш жойи зах бўлганлиги учун китобларнинг кўп қисми захдан ёмон ҳолга тушиб қолган.

Амир кутубхонаси XX асрнинг бошларида Маҳмуд Камол Музаффарий томонидан қайта тикланди. У барча тарқалиб кетган китобларни йиғишни ва катта кутубхона яратишни буюради.

Бухоро амирлигининг охириги йилларида кутубхона Аркда жойлашган бўлиб, у ерда машҳур асарлар, қўлёзма китоблар ва амир Музаффарнинг қўлёзма асарлари ҳам сақланган. Бухоро аҳолисининг айтишича, ўша даврда амир кутубхонасида 47.500 нусхада қўлёзма ва босма китоблар сақланган.

А.А.Семёнов кутубхонани диққат билан ўрганиб, қўлёзма асарлар фондини тартибга солади ва амир кутубхонасига юқори баҳо беради.

XVIII асрда Ўрта Осиёнинг йирик давлатларида шахсий кутубхоналар, мадраса ва масжидлар олдида кутубхоналар ҳамда китоб бозорлари иши ривожланди. Бухоронинг бой кутубхоналари XIX асрнинг охири XX аср бошларигача мавжуд бўлиб, бебаҳо дурдоналар хазинаси ҳисобланади. Тарихчи, адабиётшунос амир амалдорларидан бири Муҳаммад Шариф Садр Зиё кутубхонанинг охириги йилларидаги раҳбар ва жонкуярларидан эди.

XVIII - XIX асрда Хива хонлигида ҳам маданият ва фан анча ривожланган бўлиб, китоб йиғиш ва кутубхоналарга эътибор катта эди. Тарихий манбалар шуни кўрсатадики, Абулғозихон ҳукмронлиги даврида бошқа ўлкалардан қўлёзма ва босма китоблар кўплаб олиб келинган. Ушбу қўлёзма асарлар ичида бебаҳо асар “Шажара-и-турк ва мўғул” туркийлар тарихи асари ҳам бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1910) ҳукмронлиги даврида сарой кутубхонаси фонди янада кенгайиб бойиган. Хон адабиётга қизиққанлиги учун ўзи ҳам гоҳи-гоҳида китоб йиғиш ишлари билан шуғулланган, “Феруз” тахаллуси билан шеърлар ёзиб, саройда жуда кўп қобилиятли шоирларни тўплаган. Феруз бошчилигида саройнинг 30 нафар шоири шеърлари киритилган анталогия чиқарилган.

Хива Ўрта Осиёнинг фан ва маданият ўчоқларидан бири эди. XVIII асрнинг 70 йилларида Хивада босмахона ташкил этилган. Бу даврга келиб тарихий ва бошқа асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари янада

ривожланди. Шаҳарга келган таниқли сайёҳларга совға тариқасида қўлёзма асарлар берилган. Хива хони кутубхонаси Хива юриши, яъни 1873 йил май ойидан бошлаб бошқа тилдаги журнал ва китоблар билан янада бойиб кетди. Кутубхонадаги китобларнинг катта қисми таржималар эди. Улар орасида 140 томда 129 та тарихий асар, 30 томда 20 та Шарқ шоирларининг китоблари, 50 томдаги 40 та ҳуқуқий диний китоблар, 18 нусхада Қуръон ва 50 дан ортиқ турли дарсликлар сақланган. Бу ерда Юнус Мирабанинг “Хива хонлари тарихи” асари ҳам сақланган. Бу асарда Хива хонлари тарихи Илтузар хон давридан то руслар кириб келгунига қадар бўлган воқеа ва ҳодисалар тўлиқ баён этилган. Юқорида тилга олинган манбалар Хива юриши даврида сарой кутубхонасидан тортиб олинган.

Хива хонлиги кутубхонасининг тақдири Хива юришидан сўнг жуда аянчли бўлган. Кутубхонанинг бебаҳо нодир қўлёзма асарларининг жуда катта қисми 1874 йил генерал К.П.Кауфман томонидан Петербург оммавий кутубхонасига совға қилинган. Шундан кейин кутубхона фонди камайиб қолган, китоблар бир хонага жойлаштирилган.

Хива хони Муҳаммад Раҳим–Тозабоғе ўз даврида кутубхонанинг бир қисмини Арқда ва яна бир қисмини ёзги қароргоҳида сақлаган. Бу ерда китоблар ҳар доим янги томлар ва нусхалар билан тўлдириб борилган ҳамда барчаси рўйхатга олинган. Тозабоғе кутубхонаси жуда бой бўлиб, бу ерда Шарқ қўлёзма китобларидан ташқари рус тилидаги журналлар ҳам сақланарди. Арқда сақланаётган 560 номдаги қўлёзма китобларнинг каталоги тузилган эди. Кутубхонада тарихий асарлар, монографиялар жуда кўп бўлиб, улардан: “Аллақулихон тарихи”, “Раҳимқулихон тарихи”, “Муҳаммадаминхон тарихи” кабилар ҳозирга қадар сақланиб қолган. Китоблар жуда катта маҳорат билан муқоваланган ва безатилган бўлиб, кутубхонада махсус муқовасоз усталар машҳур ҳаттотлар билан биргаликда ишлаган. Таниқли ҳаттотлар Муҳаммад Ёқуб Хожа ва Худой Берган хон Сайид Раҳим II томонидан буюрилган ишларни бажарганлар. Умуман

олганда Хива хонлари кутубхоналари бебаҳо хазина, десак муболаға бўлмайди.

XVIII асрда Ўрта Осиё худудида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан кейин Қўқон хонлиги юзага келди. Бу хонликда ҳам фан ва маданият бошқа хонликлар сингари тез ривожланганлиги сабабли китоб ва кутубхонага бўлган эътибор катта эди. Хон саройи олдида кутубхона ташкил қилинган бўлиб, охирги хонлар Умархон, Муродхон ва Худоёрхон ҳукумронлиги даврида кутубхона кенгайтирилиб фонди анча тўлдирилган. Қўқон хони Умархон (1809-1812) шоир ва адабиётшунос эди. У қўлёзма китоблар йиғишга қизиққан ва “Амир” тахаллуси билан шеърлар ёзган. Саройда шоирларни йиғиб тез-тез мушоиралар ўтказиб турган. Унда шоира Нодира, яъни хоннинг рафиқаси ҳам қатнашган. Тахминан 1822 йил шоир Юсуф Тунқатор ва хаттот Юсуф Муҳаммад томонидан «18 нафар шоирларнинг тўплами» асарлари анталогияси озроқ нусхада тошбосмада чиқарилган.

Кутубхонада охирги хон Худоёрхон даврида қўлёзма китоблар тўплаш иши ўсиб, китобларнинг анчаси аҳолидан йиғилган. Шаҳрисабзлик мулла Муҳаммад-Раҳим томонидан сарой кутубхонасига бир неча қўлёзма китоблар инъом қилинган. Муҳаммад — Раҳим ўзи китоб йиғишга қизиқиб, 27 йил ичида у Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа давлатларга саёҳат қилиб, бебаҳо китобларни қидирган ва ватанига олиб келган.

Қўқон хони кутубхонасидан сарой ходимлари ва хизматчилари фойдаланганлар. Масалан, давлат арбоби ва тарихчи Мирза Азиз қўлёзма китоблардан тез-тез фойдаланиб турган. Кутубхона фондида «Қўқон хонлиги тарихи» асари сақланган бўлиб, асар Ўрта Осиёдаги мўғул ва бошқа давлатлар тарихи ҳақидаги маълумотларни беради.

1875 йил русларнинг Қўқонга юришидан сўнг хон кутубхонасидан 103 та араб тилида ёзилган, асосан диний характердаги қўлёзма китоблар тортиб олинган. Уларнинг орасида “Бахру ал-жавҳари”, “Тухфат- улхони”, “Жаҳонгирхон тарихи” каби жаҳонга машҳур асарлар бор эди. Кутубхонадаги жуда кўп араб, турк, чиғатой–турк тилларидаги қўлёзма

китоблар Петербург кутубхонасига юборилган. XX аср бошларига келиб хон кутубхонаси инкирозга учрай бошлади, кутубхона китоблари тарқалиб, анча қисми бозорларда сотилиб кетган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида мадрасалар қошида кутубхоналар бўлиб, қўлёзма китобларни тўпловчи кишилар сони ҳам кўпайиб кетди. Ўша вақтда катта-катта ер эгалари ҳам мадрасалар ташкил қилишга ҳаракат қилганлар. Мадраса кутубхоналарида асосан Шарқ қўлёзма китоблари бўлиб, уларнинг катта қисми диний, ҳуқуқий, тарихий характердаги асарлар эди.

Бухоро хонлигида мадраса кутубхоналари фаолияти яхшиланиб, XIX аср ўрталарида уларнинг сони 15 тага етган. Ҳисор шаҳридаги мадрасада катта кутубхона бўлиб, одамларнинг айтишича, Бухоро амирининг тоғаси Содик тўра ушбу кутубхона фондиди тўлдириш билан шуғулланган. У 75 000 тангага Бухородан жуда кўп қўлёзма ва бебаҳо китобларни сотиб олади.

Абд-ур-Рауфнинг ёзишича, XX аср бошларида Бухоронинг ўзида 200 га яқин мадрасалар бўлиб, улар уч тоифага бўлинган: олий, ўрта ва қуйи. Деярли барча мадрасаларда кутубхоналар бўлган, улар фондидининг катта қисми шарқий қўлёзма китоблардан иборат эди. Мадраса кутубхоналари асосан вақф ерларидан келган даромад ҳисобига тўлдириб борилган.

Хива хонлигида ҳам мадраса ва мачитлар жуда кўп эди. XIX асрнинг 40 чи йилларига келиб 22 та мадраса фаолият кўрсатган. Хивада Аллақулихон даврида катта мадраса қурилган, мадраса ичида жуда бой кутубхона жойлашган. Кутубхона хоннинг шахсий кутубхонасидаги китоблар ва қимматбаҳо адабиётлар билан тўлдирилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон хонлиги катта шаҳарларида ва Тошкентда 20 та йирик мадраса бўлиб, унда талабалар учун кутубхоналар ҳам бўлган. Тошкентдаги Хўжа Ахрор Бароқхон мадрасаси ва Кўкалдош мадрасалари ҳар томонлама машҳур илм даргоҳи ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида XIX аср охири XX аср бошларида шахсий кутубхоналар ҳам юзага келган. Айниқса, Бухоро, Фарғона, Тошкент шаҳарларида уларнинг сони кўпайган. Шахсий кутубхоналар фондида тарих,

хуқуқ, фалсафа бўйича қўлёзма китоблар, совет характеридаги адабиётлар кўпроқ эди.

Қадимги манбалардан бизга маълумки, Ўрта Осиё тарихи, маданияти, фани ва санъати жаҳон цивилизациясида салмоқли ўринни эгаллаган. Бизнинг мамлакатимизда маданий меросга катта эътибор билан қаралади. Кутубхона маънавий бойликларни авлоддан авлодга етказиб берувчи алоқа воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида қўлёзма китоблардан ташкил топган кутубхоналар араблар келишидан анча олдин мавжуд бўлган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги халқлар қадимдан кутубхоналардан илм олувчи зиё маскани сифатида фойдаланиб келганлар, ҳамда уларнинг орасидан жаҳонга машҳур олиму фузалолар етишиб чиққанлар.

2.2. Эртакларнинг турлари ва бадиий талқини

Давлатимиз томонидан маънавий бой ва ҳар томонлама камол топган, жисмоний соғлом, мустақил фикрловчи ва ўз ҳаётий тарбиясига, кенг дунёқарашга, қатъий эътиқодга эга бўлган ҳамда миллий маданият ва маънавий қадриятларга, юксак маънавий ва ахлоқий принципларни эгаллаган ёш авлодни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Таниқли рус ёзувчиси М.Горький асарларида “ўсмирлар билан боғлиқ масалаларни ёритганда асар ёш авлоднинг билим доирасини ўстириш, уларга ҳозирги ва ўтмиш воқеаларинигина эмас, шу билан бирга, келажакни ҳам

кўрсатиш зарур”лигини таъкидлайди. Шу билан бирга “уларни янги замонавий миллий руҳда тарбиялаш, ёш авлодга катта билим хазинасини очиб бериш-адабиёт ва санъатдан кутилган нарсадир. Одамлар нима учун ва қандай қилиб эртаклар ”тўқишган” лигининг сабаби улар ўз фарзандларини яхши фазилатлар эгаси бўлиб етиштириш нияти билан боғлиқ ва ёш авлодни тарбиялашда эртак-ҳикоянинг роли катта” эканлигини таъкидлайди⁵.

Болалигимиздан барчамиз турли-туман эртаклар тинглаб вояга етганмиз, баъзиларимиз эса балоғат ёшига етганда ҳам эртак китоблар ўқиб, мультфильмлар кўриш иштиёқини сақлаб қоламиз. Бу - эртакларнинг сеҳрли олами ғоят мафтункор эканидан далолат беради. Эртак - ҳикоя тарзидаги халқ оғзаки ижодий асари бўлиб, Қадимий, оммавий ва кенг тарқалган жанрдир. Юртимизнинг турли воҳаларида эртак - матал, ушук варсақи, чулчақ каби номлар билан ҳам аталади. Эртаклар турмушдаги бирор қизик воқеа ёки ҳаёлий ва ҳаётий уйдирма асосига қурилган ибратли ғоя ажойиб-у ғаройиб тарзда, жозибали, ихчам ва мукамалҳолдаакс эттириши билан кишида завқ ўйғотади. Ўзбек халқ эртакларини шартли равишда ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, сеҳрли эртаклар, ҳаётий, маиший эртаклар сифатида фарқлаш мумкин. “Бури билан тулки”, “Ҳийлагар бедана”, ”Чивинбой” каби эртакларнинг бош қаҳрамонлари ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлардир. “Ялмоғиз”, “Семурғ”, “Зумрад ва Қиммат” эртаклари сирли васеҳрли воқеалар асосига қурилган. “Уч оғани ботирлар”, “Маликаи Хуснобод”, “Аёз” каби эртакларда баркамол шахсларнинг ибратли ҳаёти ва саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шоир ва ёзувчилар ҳануз халқининг энг чиройли, таъсирчан эртаклар асосида адабий эртаклар, дostonлар, қисса ва ҳаёлий ҳикоялар яратадилар.

Эртакларнинг пайдо бўлишида қадимий урф-одат, маросимлар ва афсона ва ривоятлар асосий ҳал қилувчи рол ўйнаган. Эртакларнинг мустақил жанр сифатида қарор топиши олам ҳақидаги ибтидоий тушунчалар ҳаёлий шаклда ифодаланган даврлардан бошланган. Чунки бу даврларда аниқ воқеа ва ҳодисалар, уруғ ва қабилалар турмуши билан боғлиқ ривоятлар,

⁵А.Суюмов “Болалар адабиёти” Т., 1973 й. 74-бет.

анъанавий урф-одатлар ўз кучи ва маиший вазифасини йўқотиб, кишилар онгида ғаройиб нарса бўлиб англашила бошлаган эди. Эртақ мотивларининг дастлабки намуналари таълимий-дидактик характерда бўлиб, кейинчалик ижтимоий-маиший моҳият касб этган.

Ҳаёт ҳақиқати билан боғлиқ бўлиб, хаёлий ва ҳаётий уйдирмалар асосига қурилган, дидактик ғоя ташувчи оғзаки ҳикоялар эртақ дейилади. Эртақлар эпик фольклорнинг энг сермахсул жанри. Дунёнинг ҳамма китъаларида, барча халқларда эртақлар ва унинг халқ орасида ташиб юрган эртақчилари, унинг назариячилари – эртақшунослар бор. Ўзбек эртақчилиги ҳам узоқ тарихга эга. “Деде кўркут” китобидан буён то XX асрнинг бошларигача юзага келган барча адабий, бадий обидаларида, турли шаклда ўзбек халқининг қадимий эртақчилиги, дostonчилиги, қиссалари, афсоналари ўз изларини қолдирган.

Эртақ сўзининг қачондан бери айтилишини аниқ кўрсатиш қийин бўлса-да, унинг жуда қадимдан борлиги, халқ оғзаки ижодининг илк адабий жанрларидан бири эканлиги маълум. Сўзнинг луғавий маъноси – айтиш, айтмоқ, ҳикоя қилмоқ маъносини билдиради. М.Қошғарий ўз “Девону луғотит турк” асарида туркий халқларда унинг “етук” атамаси билан юритилганини қайд этади. Унга кўра, этук “бирор воқеани оғзаки ҳикоя қилиш”ни англатади. Шундан кейинги деярли ҳамма луғатларда асосан “эртак” сўзи ёзилиб келинади. Фитрат асарларида ҳам эртақ деб келтирилади: “Эл адабиётидаги ҳикояларга эртақ дейиладир. Эртақ эл шоирларининг хаёллари ёрдами билан тузуладир”.⁶ Шу сабабдан ўзбек адабий тилида ҳам ушбу атама қабул қилинган. Аммо ҳозирги кунларда ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятларининг айрим туманларида “матал” ҳам дейилади. Наманган вилоятининг Жанубий қисмида “эртанги” деб юритиладиган бу ҳодиса–эртанги бўлиб ўтган, қадимги замонлардан қилинажак ҳикоя маъносини англатади. Вилоятнинг айрим туманларида эртақ атамаси кенг қўлланилса-да, бу атама ўрнида баъзи жойларда “байт”,

⁶ Adabiyot. uz

“байти” сўзлари ҳам қўлланилади. Бухоро вилоятининг баъзи қишлоқларида эртақларни –“шук” ёки “ушук” номи билан атайдилар. Тошкент шевасида эртақ “чўпчак” ҳам дейилади. Ўзбеклар орасида эртақ, чўпчак атамаларидан бошқа яна ҳикоя, афсона, ўтирик, тутал каби атамалар ҳам учрайди. Алишер Навоий ғазалида эртақни “чўрчак” деб атайди. Буларнинг ҳаммаси замонлар оша халқ орасида тасдиғини топиб келмоқда. Шу сабабдан ҳам ҳозирда адабий атама сифатида эртақ ва чўпчак сўзлари турғун бўлиб келмоқда.

“Эртақ” сўзи “эр”, аслида “ир” (“йир”, “жир”) сўзига ўхшатишни билдирувчи “так” қўшимчасининг қўшилишидан таркиб топган бўлиб, қўшиққа ўхшаш деган маънони англатади. Негаки, эртақларнинг шакли, бошланмаси қўшиққа ўхшаб кетади. Шунингдек, баъзи эртақлар таркибида шеърий қисмлар ҳам учраб туради. Бу ўринда “Мусича”, “Ёрилтош” эртақларини эслаш кифоя. Лекин эртақда шеърий парчалар учраши одатий ҳол эмас. Шу сабабли эртақ халқ насри намунаси ҳисобланади.

“Ир ё йир” Алишер Навоий замонида ҳам оғзаки ҳикоя ё дoston маъноларини англатганки, бу хусусда у шундай маълумотни ёзиб қолдирган:

Эй йиров, сен ҳам ишингни кўргуз,

Ётуғон бирла улуг ирни туз.

Навоий тилга олаётган “улуғ ир” аслида дoston бўлиб, уни ётуғон (ҳозир дўмбира) жўрлигида йиров ижро этган⁷. Йиров ёки жиров ҳозир ҳам халқ анъанавий дostonлари ижрочисини англатади. Қолаверса, усмонли туркларда изтек ва бошқирдларда ҳозир қўлланилаётган иртек истилоҳи, ўша тарихий қатламни ҳамон ифодалаб турибди. Рост, бошқирдларда “иртек” наср ва назмдан иборат дoston ҳодисасини билдирган. Навоий замонасида “ир” дostonни англатгани боис, у эртақ маъносида “чўрчак” истилоҳини қўллайди ва оғзаки эпосга хос бу икки ҳодисани фарқлайди:

Ҳабибим ҳусни васфин уйла муҳлик англаким бўлғай.

Қошинда қиссаи Юсуф бир уйқу келтирур чўрчак.

⁷Adabiyot. uz

Шуни таъкидлаш жоизки, Навоий қўллаган “чўрчак” истилоҳи ҳозир Тошкент музофотида “чўпчак” ва уйғурларда “чўчек” шаклларида фонетик ўзгаришга учраган ҳолда истемолдадир.

Эртақларнинг – пайдобўлиши ҳақидаги баъзи бир мулоҳазаларимизни айтиб ўтсак. Эртақ халқ оғзаки бадиий ижодининг энг қадимий, оммавий, хажман йирик, катта-ю кичиклар учун баравар қизиқарли бўлган жанрдир. Улар жуда узоқ ўтмишда ибтидоий аجدодларимизнинг афсонавий дунёқараши, қадимий урф-одатлари, маросимлари асосида пайдо бўлган. Эртақларда, одатда, халқнинг маиший турмуши ва энг олижаноб инсоний фазилатлари ҳақидаги орзу-ўйлари хаёлий ва хаётий уйдирмалар воситасида баён этилади.

Эртақлар жанр сифатида узоқ муддатли шаклланиш жараёнини кечирган. Улар ибтидоий одамларнинг турмушдаги бирор воқеани оддийгина ҳикоя қилишлари асосида юзага келган. Даврлар ўтиши билан ҳикоя қилиш ҳам такомиллашиб борган. Сўзга сиғиниш, илоҳий кучларга сиғиниш, анимистик, тотемистик, фетишистик эътиқодлар, галлисунатсия ва туш таъсирида фантастик (тахайюлий) воситаларга тўлиша борса, ҳайвонларни овлаш, хонакилаштириш, улар инончларига ишониш, ҳайвон маҳсулотларидангина эмас, балки кучидан ҳам фойдаланиш жараёнларида ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар пайдо бўла бошлади. Аста-секин шу хилдаги эртақларда турмуш тажрибасини омухталаштира бориш, у ёхуд бу хилдаги кусур ва камчиликлардан кулиш эртақдаги образларга мажозийлик (аллегорик) хусусиятни бахш этди. Натижада ҳайвонларга оид эртақлар таркибида мажозий намуналар юзага кела бошлади.

Эртақларда хаёлий уйдирмалар асосий ўринни эгаллайди. Улар ўзига хос қурилиши билан ҳам ажралиб туради. Эртақ кириш қисми, воқеалар ривожи, тугалланмадан ташкил топади. Баъзи эртақлар “Бир бор экан, бир йўқ экан, бир подшоҳ (ёки чўпон) бўлган экан”, “Сизга боғ бўлсин, бизга ҳаёт” каби қисқагина бошламалар билан бошланса, баъзи бошламалар анча узун бўлади. Масалан, мана бу бошламага эътибор беринг: “Эртағиё эртағи,

эчкиларнинг бўртаги, қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан, кўк музга минган экан, мурути синган экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ола қарға азончи, қора қарға қозончи, чумчуқ чақимчи экан, тўрғай тўқимчи экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор. Бир бор экан, бир йўқ экан...”.

Аксарият эртақларда анъанавий тарзда эртақ қаҳрамонлари ёр излаб ўзга оламга, ўзга макон ва юртларга сафар қиладилар. Эпик қаҳрамон муайян шартни бажариш, маълум етишмовчиликни бартараф этиш, тушида кўрган ёки хабарини эшитган парини излаб топиш мақсадида сафарга чиққанида кўпинча ўз ёрини ўзга юртдан топади. Бу мотивнинг муайян тарихий асослари мавжуд.

Маълумки, эпик турга мансуб фольклор жанрларидан айримларида, масалан, эртақларда сюжетнинг шаклланишида тилсим билан боғлиқ лавҳалар, мотивлар муҳим ўрин тутади. Тилсим ва унинг эртақ бадиий қурилмасидаги ўрни ҳақида К.Имомов шундай ёзади: «сеҳрли эртақларга хос сюжетлар системасида тилсим ва тилсимот билан боғлиқ уйдирмалар етакчи рол ўйнайди. Бинобарин, унинг эпизодлари ҳам тилсим занжиридан ташкил топган бўлиб, асосий тугун билан ечим ҳаёлий тарзда ифодаланади”.

Эртақдаги қаҳрамоннинг йўл юриши (“сафар” мотиви), чашма олдида дам олиши (мифологик қарашларга кўра, чашма ҳаёт дарахтининг туби билан ассоциацияланса, эртақ қаҳрамонларининг чашма бўйида дам олиш эпизодини эпик қаҳрамоннинг ер остида жойлашган ўзга маконга ўтиши мотивининг эпик кўринишларидан бири деб қараш мумкин), болта билан тешанинг йўқолиши (эртақларда бирор нарса-буюм ёки маликанинг рақиб томонидан ўғирланиши сифатида талқин этилувчи “етишмовчилик” мотивининг эпик трансформацияси), боланинг йўқолган буюмларни излаб кетиши ва топиб келиши (эпик қаҳрамоннинг ўзга оламга сафари ва ўғирланган нарса, подшо шarti бўйича талаб қилинган ғаройиб буюм ёки

парини олиб келиши мотиви) каби эпизодлар ана шундай бадий элементлар сирасига киради.

Бундан ташқари халқ эртакларидаги оби ҳаёт сувини ичиб тирилиш, сув суртилганда сўқир кўзнинг очилиши, сув сепганда сеҳрланиб қолиш, сувга тушганда бошқа одамга айланиш каби анъанавий мотивлар; никоҳ суви ичириш, арвоҳларга косада сув қўйиш, келин-куёвга ширин сув ичириш каби удумлар, шунингдек, ёмғир чақириш ва уни тўхтатиш маросимлари; сувга тупурмаслик, сувга сиймаслик, бировнинг устига сув сепмаслик каби таъқиқлар; чашма, қудуқ ва қўлларни муқаддаслаштириш анъанаси ана шу афсонавий қарашлар асосида келиб чиққан.

Ўзбек халқ эртаклари, достонлари, афсона ва ривоятларида кўп учрайдиган авлиё образнинг келиб чиқиши тўғрисида фольклоршунослар турлича фикр билдиришган. Масалан, М.Афзаловнинг ёзишича “инсон бошига оғир ишлар тушганда, турмуш азоблари натижасида эзилганда, ўзига ҳамроҳ, раҳнамо ахтарган. Зулматдан, қийин, оғир кунлардан қутулиб, ёруғлик ва яхши кунларга эришишни орзу қилган. Мана шу фантастик раҳнамо образи кейинги асрларда ислом динининг тушунча ва эътиқодлари билан боғланиб кетди ва эртакларимиздан жой олди”. Олим ҳомий образининг муайян ҳаётий асосларга эгаллиги ва исломдан олдинги мифология билан боғлиқлигини тўғри кўрсатган.

Профессор Ғ.Жалолов эса эртак қаҳрамонига ҳомийлик қилувчи чол образининг қадимий илдизларини патриархал давр ҳаёти билан боғлайди. Унинг фикрича, “ўзбек халқ эртакларида бош қаҳрамонга йўл-йўриқ кўрсатадиган, маслаҳатлар берадиган нуроний чол образи ҳам кўп учрайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, нуроний чол қаҳрамонларга энг зарур вақтда дуч келади... бу чол уруғ оқсоқолидир”.

Ҳақиқатан ҳам қабила, уруғ ҳаётида муҳим аҳамият касб этган оқсоқоллар ўз маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан кишиларни ҳамиша қўллаб-қувватлаганлар. Ана шу ҳаётий воқелик, яъни уруғ оқсоқоли, қабила

сардори, аждодбошиларнинг эпик талқини эртак ва дostonлардаги ҳомий чол образининг яратилиши учун дастлабки ҳаётий асос вазифасини бажарган.

Ҳомий чол образи эртак, дoston ва ривоятларда бир-бирига яқин муштарак эпик функцияни бажаради, яъни унинг асосий функцияси қаҳрамонга ёрдам бериши ва уни оғир вазиятдан халос қилишдан иборатдир.

Эртаклар “Қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй бериб, ошларини ошаб, ёшларини яшаб, мурод-мақсадларига етдилар”, “Шу билан Аёз подшо бўлиб, ўзининг донолигидан халқни одиллик билан сўраб, мамлакатда адолат ўрнатган экан” каби тугалланмалар билан яқунланади.

Эртакнинг ўзига хос хусусияти воқеабандлик, бирор воқеани мукаммал ҳикоя қилиш тарзида кўзга ташланади. Эртаклар воқеликни ҳаётий ва ҳаёлий уйдирмалар воситасида кишиларда бадиий завқ уйғотадиган шаклда акс эттириш билан характерланади.

Эртакларнинг характерли хусусияти шундаки, уларда фантазияга кенг ўрин берилади, муболаға, гипербола каби тасвирий воситалардан фойдаланилади. Эътибор берсангиз, эртакларда ижобий қаҳрамон албатта ёвузлик, адолатсизлик, зулм устидан ғалаба қозонади, яхшилик тантана қилади. Чунки эртак қаҳрамонлари халқ орзу-умидларини, манфаатини ифодалайдилар.

Эртак учун ҳам халқ оғзаки ижодига хос барча сифатлар: оғзакилик, жамоавийлик, анъанавийлик, анонимлик, версия ва вариантлик хосдир.

Эртакларнинг жанрий табиати ўзига хос. Эртаклар халқ оғзаки бадиий ижодиётининг эпик турига мансуб бўлиб, ўзига хос ғоявий-мавзувий йўналишга, ахлоқий-таълимий ва ижтимоий-эстетик вазифаларга эга.

Эртаклар ҳам оғзаки тарзда жамоа ижоди маҳсули сифатида аноним кўринишда яратилади. Гарчи унинг тўқилиш ибтидоси индивидуал ижодкорга бориб тақалса-да, оғиздан оғизга, уруғдан уруғга, авлоддан авлодга ўтиш жараёнида дастлабки ижрочисига хос белгиларини, образларини, мотивлари ва бадиий воситаларини деярли сақлаб қолади. Шу билан бирга, талқин ва вариантлик ҳосил қилиши мумкин.

Ҳар бир халқнинг эртаги ўша халқ тарихини, маънавий-маданий турмуш тарзини, ички дунёсини, имон-этикодини бошқа қардош эл-у элатлар билан ижтимоий муносабатларини, урф-одатларини, яшаш жойининг иқлими ва табиий шарт-шароитларини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Эртақлар ўз жанрий табиатига хос бадиий-композицион қурилишга эга. Улар бир хил бадиий шаклий қолиплар доирасида яратилади ва ижро этилади. Кириш, бошлама, тугун, эпик саргузашт ва тугаллама эртақ композицион қурилмасининг асосини ташкил этади.

Эртақларнинг анъанавий кириш билан бошланиши жаҳондаги барча халқлар эртақчилиги учун муштарак хусусият ҳисобланади. Анъанавий киришнинг вазифаси тингловчилар эътиборини бир нуқтага жалб этиш, эртақ тинглашга ҳозирлашдир. Анъанавий киришлар сюжет табиатига мос тушадиган хаёлий фон яратишни, аудитория, тингловчилар қалбида кўтаринки рух, хушчақчақ кайфият пайдо қилишни кўзлайди.

Одатда, анъанавий киришлар сақланган насрий парчалар шаклида бўлиб, замон ва макон ҳақидаги маълумотларни ифода этади. “Гулпарӣ” эртаги кириш қисмида бу ҳолатни кузатиш мумкин. “Бир бор экан, бир йўк экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, тошбақа тарозидор экан, қурбақа ундан қарздор экан. Қадим замонларда Гулзор деган бир мамлакат бўлган экан. Шу мамлакатда донишмандликда тенги йўк чол-у кампир яшаган экан”.

Гоҳо кириш қисми эртақдаги ҳажвий руҳга ишора характерида бўлиши мумкин: “Тарақа - туруқ, омоч-у бўйинтуруқ, Шомирзойи қоққуруқ, Боқи чарақи, бароқ кўз дарвозабони, ҳайҳот, оғзингга новвот, сийнани сийнага кўйиб, диққина хап ёт, офтобда шайтон кўндаланг, ўриқда маймунтиппа-тик, қонимжонинггажиппо-жип. Аммо лекин, томгабекин, замонларнинг замонида бир подшо бор экан” каби.

Кириш қисм айрим ҳоллардагина эртақ бошланмасига уланса, айрим ҳолларда ўзича мустақил ҳолда қолаверади. Эртақда бошлама сюжет

чизиғида доимий элемент ҳисобланса-да, сюжет ривожига алоқадор эмас, балки ҳаракатнинг ташкил топишига туртки бермайди. У қаҳрамонлар ҳақида маълумот беради. Сюжет чизиғида содир бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг қайси замон ва маконда кечажагидан хабар беради. Бошлама сюжет йўналишида ноаниқлик ва умумийлик касб этади. “Бор эканда, йўқ экан. Оч эканда, тўқ экан. Қадим замонда бир подшо ўтган экан” каби.

Бошламалар ҳар гал бир-бирини инкор этувчи муддаони ифода этади. Уларда воқеа ва ҳодисаларнинг бўлиб ўтган ўрни номаълум бўлиб, номи айтилмайди, уларда ноаниқлик ҳукмронлик қилади: “Бир шаҳар, бир мамлакат” деб таъкидланади, холос. Сеҳрли эртаклар бошламаларида қаҳрамонлар номи сир сақланади, лақабигина изоҳланади: “Уч оғайни бор экан. Тўнғичининг оти – Юлдуз санар, ўртанчасининг оти – Дарё боғлар, кенжасининг оти – Қилич қора экан”.

Эртак бошламалари кўринишига кўра узун ё қисқа бўлиб, воқеа-ҳодисаларнинг келажак ўрни ва вақти ҳақида ноаниқ, умумий ва мавҳум маълумот беради. Баъзан бошлама эртак воқелиги билан қўшиб юборилиши ҳам кузатилади: “Ўтган замонда уч ака-ука ботирлар бўлиб, улар ўз омадларини синаб кўриш ниятида узоқ сафарга йўлга чиқибдилар”. Бундай ҳолатдаги бошламалар эртакдаги воқеалар ривожининг тезлашишига ва кескинлашувига, зиддиятларнинг кучайишига замин ҳозирлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бошлама экспозиция эмас, балки унга – экспозицияга йўл очади, ўрин беради. Бошлама сюжетга дахлдор бўлмай, эртакда сюжет экспозициядан бошланади. Экспозиция эса бевосита асарнинг тугуни билан алоқадор; сюжет чизиғини ташкил этувчи ҳодисалар ҳаракати, конфликт ва воқеалар ривожини экспозициядан бошланади: “У подшонинг ёлғиз бир ўғли бор экан, – йиллар ўтиб, подшонинг ўғли улғайибди. Бир куни у тушида бир қизни кўриб, ошиқ бўлиб қолибди”. Аёнлашаётирки, подшонинг ёлғиз ўғли борлиги айтилиши сюжетга ҳаракат бахш этса, тушида қизни кўриши-тугунни ҳосил қилган. Айни чоқда сюжет ривожига - эпик саргузаштга асос бўлувчи конфликтга ишорага айланган.

Экспозиция, асосан, эртак бош қаҳрамонларини аниқлайди, йўл-йўлакай уларнинг ахлоқ-одоби, кифоаси, характер-хусусияти ҳақида маълумот беради, ўзаро муносабатларини ойдинлаштиради. Бу жиҳатдан “Тўрабекхоним” эртаги экспозицияси диққатга сазовор: “Бир подшо бор экан, давлат унга ёр экан, қўшилари кўп экан, юртдан кўнгли тўқ экан, эли кўп обод экан, оти Одилшоҳ экан, адл унга ҳамроҳ экан. Одилшоҳнинг дунёда биргина қизи бор экан. Унинг отини Тўрабекхоним дер эканлар. Бу қиз якка-ягона экан, оқил-у доно экан. Кийим кийса ярашар, ҳамма унга қарашар экан, ўзи кўп соҳибжамол, ҳар ким кўрса ақли лол экан, кўп китоб ўқир экан, шеър-ғазал тўқир экан. Саройда маслаҳатчи, майдонда ботир жангчи, арғумоқлар етолмас, етиб ўтиб кетолмас экан. Тўрабекхоним ўн саккиз ёшга етган, доврўғи оламга кетган экан. Узоқ-яқин юртлардан шаҳзода-ю хонвачча – бекзодалар Тўрабекхонимни хотинликка оламан деб, умид билан келар эканлар, лекин Тўрабекхоним барини мот қилиб қайтарар экан. Кунлардан бир куни Марв деган юртнинг подшоси Тўрабекхонимнинг таърифини эшитиб, ўзини кўрмай ошиқ бўлиб қолибди”. Экспозиция ана шу зайлда эртак композициясининг маълум элементи сифатида сюжет воқеаларига аниқлик ва равлонлик бахш этади ва тугунга ишора тарзида якун топади.

Эртак сюжетлари хилма-хил бўлганидек, улардаги тугун ҳам характер эътиборига кўра хилма-хил бўлади:

Ҳаётий эртакларда тугун ҳаётий – реал бўлади, бош қаҳрамоннинг бирор маликага ошиқ бўлишини изоҳлайди: “йиллар ўтиб, подшонинг ўғли улғайибди. Бир куни у тушида бир қизни кўриб, ошиқ бўлиб қолибди”. Бунда тушида кўрилган қизга ошиқлик ҳаётий ҳодиса бўлиб, тугун учун асос бўлган. Энди ўша қизни излаб топиш жараёни эпик саргузаштни юзага келтиради ва шу аснода тугун ечимга юз тутади.

“Варқа билан Гулшоҳ” эртагида эса тугун ижтимоий тенгсизжик негизига қурилган” Варқа билан Гулшоҳ мактабда ўқиб юрганларида бир-бирини севиб қолишган. Аммо Варқанинг отаси камбағал экан. Ойлар

кетидан ойлар ўтибди. Варқа Гулшоҳни сўратиб подшога совчи юборибди. Подшога бу ёқмабди. Чунки Варқа ҳам етим, ҳам камбағал.” Тугун ҳамиша конфликт моҳиятига ишора характерида бўлади. Юқоридаги мисолда бу бойлик ва камбағаллик, подшолик ва оддий фуқаролик, ота-онасининг борлиги ва етимлик тўқнашувидан хабар бериб турибди.

Сеҳрли –фантастик эртакларда эса тугун хаёлий уйдирмалар шаклида намоён бўлади. Бу типдаги тугун эртакда хаёлий фон яратади. Сеҳрли-фантастик эртаклардаги тугун мазмун-моҳиятига кўра икки йўналишга эга:

Биринчиси - оилавий шарт-шароит билан боғлиқҳолда юзага келади. Бунда ўғайлик мотиви ҳал қилувчи рол ўйнайди: “Ёрилтош”, “Опа-ука”, “Опасингил”, “Олтин бешик”, “Шокир ва Шакар”, “Зумрад билан Қиммат” эртаклари тугуни шундай характерга эга. Чунончи, “Зумрад билан Қиммат” эртаги тугунига эътибор қилайлик: “Бир куни кампир Зумрадни ёмонлаб чолга дўқ урибди. Қизинг беодоб, ишёқмас, уни хайдаб юбор, бўлмаса, сен билан бир нафас ҳам бирга турмайман”.

Иккинчиси – сирли ёки даҳшатли кўринган табиат кучлари билан боғлиқ ҳолда тугун юзага келади: “Подшонинг қизи қирқ канизи билан бирга тилла тахтда ўтирар экан. Бир йўлбарс келиб қаттиқ кулибди, шунда ҳаммаёқ туман бўлиб кетибди. Туман тарқалгандан кейин қирқ канизак қараса, подшонинг қизи йўқ эмиш”.

Сатирик ва ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда ҳам тугун ҳаётий - реал бўлади ва танқидий вазифани адо этади. Чунончи, сатирик эртакда: “Подшонинг ўғли кўнгли тусаган нарсани қилиб, ақлсиз ўсибди”;

Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда: - “Шу хўкиз кўшга ярамай қолди, бозорга олиб бориб сотиб кел, - дебди. Хизматкор хўкизни етаклаб бозорга бораётганида, бир дарахтдаги сассиқпопушак “поп-поп” дебди.

- Ҳа, ука, хўкиз оласанми? – дебди хизматкор. Попушак яна попоплабди. Хизматкор:
- Икки юз тангани қачон берасан, эртагами? – дебди-да, хўкизни дарахтга бойлаб кетибди».

Кўринаётирки, тугунларнинг мазмуний йўналиши экспозициядаёк маълум бўлади. Эртақ тугуни воқеалар ривожини юзага келтиради, натижада сюжетнинг шаклланиш жараёни содир бўлади.

Эртақларнинг сюжети, одатда, икки асосий қисмдан ташкил топади: биринчиси – баён қисми, иккинчиси – саргузашт қисми. Биринчисида сюжет воқеаларининг ривожини таъминловчи асосий зиддиятлар айтилса, иккинчисида шу зиддиятлар бевосита очиб берилади.

Эртақларнинг охирида тугаллама келади, улар эртақнинг якуний қисмини таърифлайди ва ҳамisha оптимистик руҳдаги интиҳо сифатида халқнинг энгилмас руҳи ва қудратини намойиш этади.

Қадимги замонлардан оғиздан-оғизга ўтиб келаётган эртақлар замоннинг ўзгариши натижасида рўй берган янгиликларни ҳам ўзига сингдириб боради. Халқ оғзаки ижодини ўрганувчи олимларнинг таъкидлашларича, дунёдаги ҳамма халқларда кенг тарқалган жанр эртақдир. Сеҳрли эртақларнинг яратилишида умумий ўхшашлик яна ҳам кучлироқ сезилади. Эртақларнинг бу тури қадимдан яратилганлигидан, турли халқлар маиший ҳаётида ўхшашликларнинг кўплигидан дарак беради. Аммо бу деган сўз эртақларда миллийлик акс этмайди, деган хулосага олиб келмайди. Чунки эртақлар мавзуидаги қаҳрамонлар исмларида, муаммоларида, маиший масалаларнинг ифодасида, табиат тасвирида, воқеалар баёнида, касб – хунарлар таърифида миллий тил, миллий руҳ алоҳида акс этади. Халқ эртақларининг оммавийлиги ва яшовчанлигини ҳам асосан уларнинг ана шу хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

Эртақ халқ оғзаки ижодидаги бадиий насрнинг энг қадимий ва оммавий намунаси ҳисобланади. Бола жуда ёшлиқдан эртақ эшитиб ўсади. Болаларни овутиш учун катталар эртақ айтиб берадилар, болалар ҳам улғайиб, мактабга бора бошлаган вақтларидан кичик-кичик эртақларни ўзлари айта бошлайдилар. Бу боланинг бир-бирига айтган эртақлари қисман катталардан эшитгани қисман эса ўзи тўқигани бўлади. Ю.Соколов шуни назарда тутиб гапирган бўлса керак: “Болаларнинг бир-бирларига айтиб берган эртақлари

эса, деярли ёзиб олинмади”, деб афсус қилган эдилар. Ҳақиқатан ҳам тўпланган халқ эртакларини айтиб берувчиларни кўздан кечирар эканмиз, аксарият катталар томонидан айтилганининг гувоҳи бўламиз.

Эртаклар профессионал ижрочиликка асосланган. Ўтмишда эртаклар йилнинг маълум даврида, белгиланган пайтда ижрочилик салоҳиятига эга бўлган ёши улуғ, доно, ҳурматли ва эътиборли кишилар томонидан айтилган. Эртак айтувчиларни қадимда “эртакчи”, “маталчи” деб аташган. Одатда, бундай профессионал ижрочилар эртакчи деб юритилади. Халқ эртак айтмоққа жиддий қараган. Эпик турнинг дoston, эртак, нақл сингари жанрларига оид фольклор асарлари муайян эпик хотира, эпик билим ва ижрочилик салоҳиятига, яъни махсус тайёргарликка эга бўлган профессионал ижрочилар томонидан айтилади. Ривоят ва афсоналар эса кенг халқ оммаси томонидан ижро этилади. Профессионал айтувчига эга бўлмаслик афсона жанрининг ўзига хос хусусиятларидан бири эканлигини қайд қилган К.Имомов “афсонани фақат профессионал эртакчи ёки дostonчи айтиши шарт эмас, балки эшитган, билган шахс хоҳлаган формада ҳикоя қила олади”, -деб ёзган эди. Фольклоршунос У.Жуманазаров профессионал айтувчиларга эга бўлмаслик, кенг оммавий ижро характерига эга бўлиш хусусияти афсона ва ривоят жанрларининг муҳим белгиси эканлигини қайд қилади.

Фольклоршунос М.Жўраев эса афсона, ривоят ва оғзаки ҳикоя жанрларига оид матнларни айтувчи кишиларнинг фольклор асарларини оммалаштирувчи профессионал ижрочиликка дахли йўқлигини қайд қилар экан, қуйидаги муҳим хулосани баён қилади: “Эртак, латифа ёки нақл ижрочиси ўрни келганда афсона ёки ривоятларни ҳам ҳикоя қилаверади. Аммо маърифий наср жанрларига (миф, афсона, ривоят, оғзаки ҳикоя) мансуб асарларни айтувчи ҳар қандай одам халқ эртакларини профессионал эртакчи даражасида маромига етказиб айтолмайди”.

Шу ҳақдаги нуқтайи назарини “Эртак эрмак эмас, эртакчи оғзига келганини демас” мақолида ифодалаган. Эртак эртакчи томонидан ё бир кишига, ё бутун бир жамоага қарата айтилади. Бунда айтиш моҳиятан ижрога

тенг. Эртақ, умуман фольклор намуналарини айтиш жараёнлари ҳам жуда кизик ва ўзига хос. Фольклоршунос олимлар Б.Каримов, Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Алавия, З.Ҳусайноваларнинг маълумот беришича, оғзаки ижод асарларини ижро этишда ижрочилар қатъий одатларга амал қилганлар. Хусусан, эртақ айтиувчилар тингловчилари йиғилганидан сўнг ўз олдига сув, кул, тупроқ, исирик, супурги, тароқ, чўп ва бошқаларни маълум тартибда кўйиб эртақ айтишни бошлаганлар. Топишмоқ айтишда эса ғолиб ва мағлуб тарафларни белгиловчи шартлар эълон қилинган. Достон ижросида Самарқанд, Хоразм, Фарғона, (Наманган) анъаналари машҳур бўлган. Демак, турли жанрларга оид асарлар ижроси давомида доимий равишда такрорланувчи анъаналар муҳим рол уйнаган. Шубҳасиз, фольклоршуносликда матний анъаналарга эътибор бериш муҳимроқ ҳисобланади. Биз бу ўринда достон, эртақ жанрларига мансуб асарларнинг насрий ва назмий шакллари, асар бошланмасидаги анъанавий ўринларни назарда тутамиз. Адабиётшуносликда образ яратиш, конфликт бадиий тасвир воситалари каби тушунчалар этакчи хусусиятлар саналади. Халққўшиқларидан тортиб достонларгача, мақоллардан тортиб эртақларгача образ яратиш, воқеани баён қилиш, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш кабилар ўзига хос кўринишларга эгадир. Айтайлик, эртақчи тингловчилар диққатини қозонмоқ учун эртақ мазмунига мос руҳий ҳолатларга киради, эртақ сирли оламини таъминлаш учун овоз жилосига, юз ва гавда ҳаракатларига (мимика ва пантомимикага) алоҳида эътибор беради, эртақни бақириб-чақириб айтмайди, балки гоҳ шивирлаб, гоҳ овозини кўтариб, кўзларини ҳар хил ҳолатга солиб, юмшоқлик билан самимий ҳикоя қилади. Ҳайвонларга хос овозларни тақлид қилса, мифологик образлар овози ваҳмкор оҳангда бўлишини таъминлайди. Шу тахлитда бутун бир эртақни бир ўзи ижро этади, асардаги руҳий оламини ўз кечинмалари билан тўлдиради ва ҳаяжонбахшлигини таъминлайди. Шу ижро хусусиятига кўра эртақ ижрочилиги халқ якка актёр театрини эслатса-да, аслида ҳар қандай

декорациялардан ва бошқа сахнавий атрибутлардан хоилиги билан ундан фарқилади.

2.3. Ўзбек халқ эртакларидан “Қорасоч пари ” га китоб безакларининг яратилиши

Ҳар бир инсоннинг саводхонлик ва илм-фан чўққиларини эгаллашида, маънан етукликка эришишида содиқ ҳамкор ва маслаҳатчи бўлган Ҳазрати китобга нисбатан меҳр-муҳаббатни ёшларимизонгига доимий равишда сингдириб бормоқлик ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайдиган муҳим вазифадир.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ёшларимизнинг маънавий дунёсини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг

муҳим вазифаларимиздан биридир”⁸. Бугунги глобаллашув жараён, техника асрида болаларни китобга ошно этиш, уларнинг мутолаа кўникмасини шакллантириш фарзандларимизнинг тўла маънода комил инсон ва билимли шахслар бўлиб етишишларида муҳим ўрин тутди. Болаларда китобга меҳрнинг уйғонишида оила муҳити алоҳида аҳамият касб этади. Фарзандимизнинг китобга ошнолиги унинг нафақат келажакда етук инсон бўлиб улағайишида, балки унинг жамиятнинг бир фаол аъзоси сифатида ҳаёт аталмиш уммонда ўз ўрнини топишида ҳам муҳим омил саналади.

Мен Битирув малакавий ишининг амалий қисмида ўзбек халқ эртақларидан “Қорасоч пари” эртагига қуйидаги тартибда китоб безакларияратдим. Биринчи яратилган эскизда шохнинг ов вақтида ёрдан Қорасоч парини топиб олиши тасвирланган. Кунлардан бир кун шох лашкарлари билан овга чиқади ва тўсатдан бошланган селдан қочиб баланд тоғ остидаги бир ёрга киради ва у ерда Қорасоч ва онасини учратади. Унинг онаси вафот этади ва шох Қорасочни ўзи билан олиб кетиб ўз қизидай вояга етказди. Композициянинг чап томонида оқ либосда қўлида камони билан шох тасвирланган. Унинг қўлидаги камони ва устидаги либосидан ҳам овга чиққанини билиб олиш мумкин. Композициянинг ўнг тарафида эса ёр оғзида кўрқувдан титраётган кичик Қорасоч акс этган. Композиция гуаш ва акрил техникасида декоративуслубда ишланган. Композицияда иссиқ ва совуқ ранглардан ўринли фойдаланилган.

Навбатдаги эскизда Қорасоч парига сеҳригар ўзининг сеҳрли узугини бергани тасвирланган. Қорасоч пари ўн беш ёшига қадар кўплаб илм соҳиблари қўлида таҳсил олади ва ўзи ҳам тўлиқ илм соҳибаси бўлади. Шунда унинг отаси қизини сеҳргарга шогирд беради ва ундан сеҳргарлик сабоқларини ўрганади. Сеҳргар ҳам унга барча сир-асрорларини ўргатгач унга ўзининг сеҳрли узугини совға қилади ва ғойиб бўлади. Ушбу композиция ҳам гуаш ва акрил техникасида ишланган. Композициянинг биринчи планида сеҳрли узукни ва унинг кўзи ўрнида шаҳар тасвирини

⁸ И.А.Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й.

кўришимиз мумкин. Ўнг томонда Қорасоч парини, узук ортида эса сеҳргарни кўришимиз мумкин. Композициянинг асосини ушбу образлар орқали очиб беришни мақсад қилиб олдим. Композицияда иссиқ ва совуқ ранглар меёрида ишлатилганлиги сабабли асарга ўзгача ёрқинлик бериб турибди.

Кейинги эскизда етти иқлимдан келган шохларнинг қайтиб кетишлари тасвирланган. Қорасочнинг гўзаллиги доврўғи бутун оламга тарқалади. Унга эришиш истагида етти иқлимдан еттита шохлар ташриф буюришади ва Қорасоч парининг отасига қизини унга беришини акс ҳолда шахарни яқсон қилишини айтиб мактуб юборишади. Хатларни мазмуни балан танишган Қорасоч пари уларни саройга таклиф этади ва орангиздан фақат бирингизга турмушга чиқаман буни ўзингиз ҳал қилинг деб кетишларини айтади. Шу пайт Қорасоч пари сеҳрли узугига меҳмонларни кузатиш учун йўлнинг икки томонига юзтадан икки юзта шер, ҳар бир шер устида яроғ аслаҳа таққан паҳлавонлар ҳозир бўлсин деб буйруқ беради. Шохлар саройдан чиқаётган пайтлари шу шерларни ва улар устидаги паҳлавонларни кўриб қўрқувдан қочиб кетишади. Мен ушбу композициямда шу воқеани тасвирламоқчи бўлдим. Асарни биринчи планида Қорасочнинг харидорларидан бўлмиш шахзода Қодир ва унинг дўсти Нодир ҳамда шерлар ва паҳлавонларни шунингдек Қорасоч парини кўриш мумкин. Иккинчи планда эса қўрқувдан ҳафсаласи пир бўлган шохларни тасвирини учратиш мумкин. Композиция рангларга бой ҳолда тасвирланди.

Қуйидаги композицияда Нодир малика Қорасоч парини шартини бажараётгани ва қахрамонлиги тасвирланган. Қорасоч пари кимда ким унинг шартини бажарса тилсимни очса ўша паҳлавонга турмушга чиқишини айтади. Ҳеч ким буни уддасидан чиқа олмайди. Аммо Нодир ўз зукколиги билан бу тилсимни сирини очиб беради ва маликанинг шартларини бажариб унинг қўлини дўсти шахзода Қодир учун сўрайди. Композициянинг биринчи планида сеҳрли ғор бўйлаб юқорига Қорасоч томон кўтарилаётган Нодирни кўришимиз мумкин. Ўнг томонда ғорни кўриқлаб ётган шер тасвири чап томонда эса Қорасочга эришолмаган Ҳинд шохи уларга хужум қилмоқчи

бўлади, Нодир эса ўз ақлу-заковати билан унинг кўп сонли қўшинини тор-мор этиб қахрамонлик кўрсатгани тасвирланган. Асар колорити учун мавзуга мос ҳолда керакли ранглар танлаб олинган.

Ушбу эскизда Нодирга тўрт тўтиқушлар томонидан уларни хавф кутиб тургани маълум қилинаётгани акс этган. Қодир ва Нодир ҳамда Қорасоч шахзоданинг юрти томон йўл олишади. Йўлда холдан тойиб бир дарахт тагида дам олиш учун тўхташади. Қодир ва қорасоч пари уйқуга кетишади, Нодир эса хаёл суриб ўтирганда шу пайт дарахтга тўртта тўтиқуш келиб кўнади ва Қодирнинг отаси Рум шохи ўз ўғли учун қандай тузоқлар қургани ва уларни қандар хавф-хатар кутаётгани хақида суҳбатлашади. Бундан хабар топган Нодир ўз дўстини барча хатарлардан асраб қолади. Композицияда тасвирланган муҳит уларни хавф-хатар кутиб турганини билишимиз мумкин.

Мазкур композиция ҳам гуаш ва акрил техникасида декоратив услубда ишланган. Асарда совуқ ранглардан ҳам ўринли фойдаланилган. Ишлатилган ҳар бир ранг ўз ўрнида қўлланилган ва композицияни янада аниқ ва тасирли чиқишида хизмат қилади.

Навбатдаги эскиз композицияси бу китобнинг муқоваси бўлиб, унда орадан йиллар ўтиб Қорасоч пари вояга етиб нақадар гўзал қиз бўлиб улғайгани тасвирланганини кўришимиз мумкин. Қорасоч пари нафақат хуснда балки ақлу-заковат, зийракликда ҳам камолга етади. У улғайгач кўпгина олиму уламолардан сабоқ ола бошлайди ва унинг гўзаллиги ва заковати етти иқлимга тарқалади.

Ушбу эртак бўйича яратилган эскиз композициялари ўйланмаки, барча жажжи ўқувчиларнинг кўнглидан жой олади.

ХУЛОСА

Халқ оғзаки ижоди намуналари қадимийлиги, таъсирчанлиги боис болалар тарбиясида эътиборли ва ишончли манбаалардан ҳисобланади. Бу тарбия воситаларини болалар ҳаётига табиий равишда олиб кириш лозим. Табиийки, болаларнинг энг севимли машғулотларидан бири, бу эртак тинглашдир. Эртаклар халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, оммавий ва кенг тарқалган жанрларидан ҳисобланади. Эртакларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстга садоқат, ёрга вафодорлик, шу йўлда қаҳрамонлик, жасорат кўрсатиш каби фазилатлар улуғланади, зулм ва зўрлик қораланади. Эртаклар болаларда ҳаётга муҳаббат уйғотади, келажакка умид кўзи билан қарашга, яхши

турмуш, фаровон ҳаёт учун курашишга чақиради, ер юзида адолат тантана қилишига ишонч ҳосил қилдиради. Барчамизга маълум эртақлардан мисол келтирсак: “Шолғом” ҳамда “Уч оғайни ботирлар” эртаги болаларга куч бирликда, аҳилликда эканлигини уқтиради. “Ур тўқмоқ” эртаги эса ҳалолликни улуғлайди. Асосан, болалар “Раскраска”ларни бўяшни, мультфильмлар кўришни, эртақлар эшитишни ёқтиришади. Биз уларнинг бу эҳтиёжларини тўғри йўналтира олишимиз керак. Яъни ўзбек халқ эртақлари ва дostonлар асосидаги мультфильмлар яратишимиз ва бу мультфильмларнинг сифатини жаҳон мултфильмлари сифати билан тенглаша оладиган даражага етказишимиз, XXI аср болалари ҳар қандай нарсани сифатига қараб танлашади, турли чет эл мултфильмлари сурати туширилган “Раскраска”ларни эмас, миллий қаҳрамонларимиз тимсоли туширилган, жумладан Алпомиш, Тўмарис, Широқ кабиларнинг сурати туширилган ва уларнинг ким эканликлари ёзилган “Раскраска”ларни, “Мозаика”ларни кенгайтирилиши, болалар боғчаси ва болалар сайлгоҳларида уларнинг тимсоллари туширилган ёрликлар осилиши, шу билан бирга ота-оналар фарзандларига ўзликимиз ва тарихимиз акс этувчи эртақларни ҳар куни айтиб беришлари лозим деб биламан.

АТАМАЛАР

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Штрихлаш	Штриховка	Тасвирда ишлатиладиган чизиқлар бирдамлиги ёки бир-бири устига ётқизилган нукталар ёки чизмага тус беришга ишлатиладиган чизиқлар йиғиндиси.
Соус	Соус	Расм чизишга мўлжалланган юмшоқ материал бўлиб, таркиби лой, бўр, елим ва рангли кукунлардан иборат. Улар қора, оч қорамтир ва оқ рангларда бўлади.

Капитель	Капитель	(лотинча сапут) - устун ёки, плястрни боғловчи қисм. Капитель устундан бўртиб чиқиб, устунга ўзгача кўрк беради.
Сангина	Сангина	(фр. сангуине , лотинча- сангуис) — расм чизишга мўлжалланган қаламча шаклидаги юмшоқ материал бўлиб, таркиби каолина ва темир оксидларидан иборат.
Тушувчи соя	Падающая тень	Ёруғлик манбаи билан бир хил йўналишда жойлашган бошқа буюмнинг нур манбаидан яширин томони майдони.
Қараш нуқтаси	Точка обзора	Расм чизувчининг жойлашган ўрни ёки кузатиш нуқтаси
Қараш бурчаги	Угол обзора	Жисмнинг чекка нуқталарига қараб кузатувчидан чиқаётган нурлар йўналиши.
Ўз сояси	Собственная тень	Предметнинг бир тарафи ёруғликда, бошқа томони сояда жойлашганидаги пайдо бўладиган соя.
Ёруғ -соя	Светотень	Бирон-бир буюмнинг соя-ёруғини аниқлашдаги график муносабат.
Экорше	Экорше	(франц. Ёсорчэ – “шилип олинган” ёсорсе – “жилд”) – ўқув жумла, одамнинг мускуллари юзага чиқарилган терисиз қомати
Туслаш	Растушовка	Тасвирнинг аниқ бир қисмини соя-ёруғини кўрсатиб бериш учун қўлланиладиган услуб
Портрет	Портрет	(франц. Портраит - тасвир) – тасвирий санъат жанри, бир ва ундан ортиқ одам тасвири
Натюрморт	Натюрморт	(<i>французчадан «натюрморт» сўзи “ўлик нарса” деган маънони англатади</i>). Бу тасвирий санъат жанридир. Бу жанр асарларида асосан инсонни ўрап турган буюмлар аксини топади – кўзалар, вазалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, гуллар ва бошқа майший буюмлар шулар жумласидандир. Ижодий натюрморт – бу рассомнинг инсонни ўрап турган буюмлар аксини ўз замони ва маконидагидек қилип тасвирлаши ҳисобланади.
Ҳомаки нусха	Этюд	(французча «етуде» - ўрганиш) – ҳаётдан ишланган иш. Кўпинча этюд мустақил маъно касб этади. Баъзида у чизувчининг профессионал малакасини ошириши билан бир қаторда оламни чуқурроқ ва

		ҳаққоний ўрганишга хизмат қилади. Шу билан бирга этюд ишланадиган асарга ҳам ёрдамчи, ҳам тайёрловчи материал бўлиб ҳам хизмат қилади. Этюд ёрдамида рассом асар ғоясини аниқлайди ва майда қисмларига ишлов беради.
Гризайл	Гризайл	(французчадан <i>Грисайл</i> – <i>грис сўзидан «кул ранг»</i> маъносини англатади) – бу рангтасвир тури ҳисобланиб, бир ёки икки рангда ишланадиган, кўпинча жигарранг ёки кул рангларда тасвирланади ҳамда бу архитектура ва ҳайкалтарошлик элементларини қоғозга тушириш техникаси ҳисобланади. Гризайлда буюмнинг фақат туси ҳисобга олиниб, рангини эса аҳамияти йўқ.
Абрис	Абрис	Ҳажмнинг чизиқли шакли
Ракурс	Ракурс	Буюм шаклининг перспектив қисқариши воситасида унинг доимий кўриниши ўзгариши; буюмнинг тепа ёки пастдан қаралгандаги тўсатдан берилган қисқартмалари.
Нисбатлар	Пропорции	Буюмлар қисмларининг бир-бирига ва асосига бўлган ўлочамлар муносабати
Яримсоя	Полутень	Ҳажмли буюмнинг юза қисмидаги соя-ёруғнинг, соя ва нурнинг ўртасидаги ранг бирлиги
Ҳажм	Объем	Тасвирнинг текисликдаги уч ўлчамли шакли.
Буюм формаси	Форма предмета	Буюм, объект ҳамда чизиқлар жойлашуви чегараларининг нисбий ҳолати
Композиция (тасвирий санъатда)	Композиция (изобразительном искусстве)	Бу бадий шаклни мужассамлаштирадиган, асарга бирдамлик ва яхлитлик берувчи, рассом ғояси элементларини бир-бирига жипслаштирувчи нарса.
Қоралама	Эскиз	Бадий асар ғоясини белгиловчи дастлабки чизма.
Пейзаж	Пейзаж	(фр. Paysage , пайс дан — ўлка, атроф) – тасвирий санъат жанри (ҳамда бу жанрнинг алоҳида асарлари) бўлиб, тасвирнинг асосий буюми у ёки бу даражада инсон томонидан ўзгартирилган табиатдир.

Перспектива	Перспектива	(фр. <i>перспестиве</i> , лат. <i>перписере</i> — орқали кўриш) – фазовий объектларнинг бирон- бир текисликдаги зохирий қисқартирилишига мувофиқ уларнинг шакли ва соя-ёруғлиги ўзгаришини ифода этувчи тасвир техникаси.
Панорама	Панорама	Айлана подрамникда ишланадиган тасмасимон асар.
Акварель	Акварель	(фр. <i>Ақуарелле</i> — сувли; итал. <i>асқуарелло</i>) – рангтасвир ашёси бўлиб, махсус сув бўёқларидан фойдаланувчи, сувда эриган ҳолатида юпқа шаффоф суспензия ҳосил қилиш орқали тасвирга енгиллик, қулайлик ва нозик ранг ўтиш таъсирини яратиб беради.
Гуашь	Гуашь	(фр. <i>Гоуаче</i> , итал. <i>гуаззо</i> сув бўёғи, шовуллаш маъноларини англатади) – акварелга қараганда қалинроқ ва хира бўлиб, сувда эрийдиган елимли бўёқлар турига киради.
Рангтасвир	Живопись	Тасвирий санъат тури бўлиб, кузатувчининг кўриб турган ёки ҳаёлий воқеликни қалин ёки эгилувчан юзага бўёқлар ёрдамида тасвир тушириладиган тушунчадир.
Блик	Блик	Тасвирланаётган нарсадаги энг ёруғ шуъла, қисм. Айниқса ҳажмли нарсаларнинг бўртириб чиққан қисмларида шуъла яққол кўринади.
Бадийлик	Художественный	Санъат асарларининг мезони, ўлчови.
Интерьер	Интерьер	Бино ичкарасининг кўриниши бир бурчаги, қисми. Интерер тасвирий санъатнинг жанри бўлиб бинонинг ички кўринишлари тасвирланади.
Колорит	Колорит	Бадий асар мазмунини тушунарли бўлишида ранглар нисбатидан фойдаланиш, бадий асарлардаги рангларнинг умумий туси, тузилиши.
Рефлекс	Рефлекс	нарсанинг шахсий ва тушувчи соясидаги акс шуъласи, у теварак атрофдаги нарсаларни таъсири натижасида содир бўлади.
Фон	Фон	фон, замин, таг; (кўм-кўк осмон фонида, рангли мато фонида) суратларда энг охириги орқа план рангини билдирувчи ибора.

Колористика	Колористика	Ранг ҳақидаги фан бўлиб, ранглартабиати, асосий, таркибий (ташқил этувчи) ва қўшимчаранглар, рангларнингасосий характеристикалари, рангконтрастлари, ранглараалашуви, колорит, ранглар уйғунлиги, ранглартиливаранглармаданиятиҳақидагибилимларни ўз ичига олади. Ранглар дунёси қонунлари ранглар билан дўстлашиш ёки дўстлашмасликни аниқлаб беради.
Чуқурлик	Глубина	ранглар тоналлигининг ёрқин ёки хиралик даражаси.
Ёрқинлик	Светлый	буярқираётган (ёки нур сочаётган) жисмнинг характеристикаси бўлиб, қандайдирўналишдаги ёруғлик кучининг ярқираётган сиртнинг шу ўналишга перпендикуляр бўлган текисликка тушаётган проекциясининг (тасвирининг ёки аксининг) майдони нисбатига тенг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й.
2. И. А. Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 27.
3. И.А.Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сонли “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Туркистон. 2014. 8 февраль.
- 4.И. Каримов Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 114.

5. А.Суюмов “Болалар адабиёти” Т., 1973 й. 74-бет.
6. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 187-215.
7. Ўрта Осиёнинг қадимги кутубхоналари Методик библиографик справочник Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2004

Интернет сайтлари:

1. www.e.тарих.уз.
2. www.Китоб.уз.
3. www.зиё.уз.
4. www.Adabiyot.uz

ИЛОВАЛАР











